

Oila va jamiyat

№ 40 (1441)
9-OKTABR
2019-yil

Gazeta 1991-yil 1-sentabrdan chiqib boshlagan

7

Qachon dars o'tasiz, domlajon?..

(o'quvchining kundaligidan)



Беш-олти ўқувчи чуғурлашиб, шеър ўқиди. Бояги ўқитувчи эса бунга деярли эътибор ҳам бермай, қўл телефонига тез-тез қараб кўяр, кўнғироқ чалинишини кутарди.

Obuna 3
Takliflar,
tashvishlar va
muammolar...



Mulohaza 8
Erkaksiz uy —
befayz qo'rg'on



Hayot 6
Tog'dek akam
bo'lsa edi



"TAHLIKALI" TO'QNASHUV

yoxud ona o'rdak jasorati

Кутилмаганида бир кун қаттиқ қийқириқ эшитилиб, тепадан бир нечта чорлоқ (чайка) пайдо бўлади. Улар ғағиллаганча ўрдак болалари устида гир айланиб бу ердан узоқлашмасди. Босқинчилар дам юқорига кўтарилишар, дам тик пастга отилиб сув юзасига яқинлашганча ўрдакчаларни тутишни мўлжаллаб парвоз қилишарди.



SIZ NEGA BEZOVTASIZ?

yoxud odamlar nima derkin?

TERIMCHI AYOLLAR BILAN UCHRASHUV

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси жамоаси Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани пахта далаларида бўлди

Бугун юртимиз далаларида лўплү-лўпли бўлиб очилган оппоқ пахтанинг завқли терими авж палласида. Бу жараён ерини, элини суйган, қадриятларига йўлдош, яхши ниятларга эш, ҳалол меҳнатга ҳамдам ҳар қандай одамни асло бефарқ қолдирмайди.

5 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари,



Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Эльмира Баситханова бошчилигида қўмита жамоаси Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани пахта далаларида бўлиб, теримда фаол иштирок этди.

Эльмира Иркиновна ҳашарчи, теримчи аёллар билан дилдан суҳбатлашди, кишлоқ ҳўжалиги ривожига орқали халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришда уларнинг ҳам муносиби ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлади. Самимий ва қувноқ тарзда кечган мулоқотда аёллар ўзларининг дил изҳорларини билдиришди, келажак режалари ҳақида ўртоқлашдилар.

Фаол теримчи аёллар эсдалик совгалари билан рағбатлантирилди.

TARIXGA MUHURLANGAN "O'ZBEK AYOLLARI"

Пойтахтимизда бўлиб ўтган "TASHKENT BOOK FEST — 2019" биринчи халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси доирасида "Ўзбекистон аёллари" китоби тақдимоти бўлиб ўтди.



Ушбу энциклопедик асар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти билан

ҳамкорликда нашр қилинган.

Аёлни дунёнинг саккизинчи мўъжизасига қиёслашади. Аёл аслида нафақат дунёнинг, балки Яратганининг

асл мўъжизаси ҳамдир. Зеро, аёл борки, ҳаёт бор, тириклик, янгиланиш, яшариш бор. Ҳатто дунёнинг ўша машҳур етти мўъжизаси ҳам, тарихдан яхши аёнки, аёлга атаб бунёд этилган.

Шу маънода, бугун юртимизда хотин-қизларга юксак эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Айниқса, жорий йилнинг 2 сентябрь куни давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикасининг "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги қонунлари аёлларни эъзозлаш масаласи давлат сиёсати даражасида эканини яна бир қарра яққол намоён қилди.

"Ўзбекистон аёллари" китоби "Тарихга муҳрланган аёллар", "Аёллар давлат бошқарувида", "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони соҳибалари, "Ўзбекистоннинг академик аёллари", "Ўзбекистоннинг олима аёллари", "Турли соҳаларда фаолият юритаётган аёллар", "Маданият ва санъат

соҳибалари" ва "Ўзбекистон спортчи аёллари" сингари 8 та бўлимдан ташкил топган. Китобга она Ватанимиз тараққиёти йўлида турли соҳаларда меҳнат қилаётган етакчи раҳбар устозларимиз, олима, шоира, ўқитувчи, шифокор, спортчи аёлларимиздан 100 нафари ҳақида батафсил маълумот киритилган.

Тақдимот маросимида мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идораларида фаолият олиб борувчи хотин-қизлар, мазкур китобда номи қайд этилган аёлларнинг бир қисми, Зулфия номдаги Давлат мукофоти соҳибалари, хорижлик меҳмонлар ҳамда кўргазма-ярмаркага ташриф буюрган китоб ихлосмандлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Эльмира Баситханова очиб берди.

Тақдимот маросими якунида йўғиланларга "Ўзбекистон аёллари" китоби совға қилинди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Матбуот хизмати.

O'ZBEKISTONLIK EKANIMDAN FAXRLANAMAN

Мендан ҳар сафар дунёдаги энг катта ютуғинг, бахтинг нима, деб сўрашганларига, ҳеч иккиланмасдан Ўзбекистон фарзанди эканлигимни айтаман. Сабаби, бундай беқиёс диёр биз ўзбек ёшлари учун дунёда ягонадир. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳар бир соҳа бўйича ривожланиб, ёрқин келажакка дадил қадам ташламоқда. Ҳеч мактабга кетаётган болакайни кузатганимиз? Агар разм солсангиз, унинг нигоҳида мактаб акси порлаб туради. Юртимиздаги ҳар бир ёшнинг нигоҳидаги ана шундай учкун эса она Ватани, меҳрибон халқни, буюқ ўтмишни ва порлоқ келажакни англатади.

Буюқ аждодларимиз ҳақида ёзмоқчи бўлсак, бир мақола камлик қилади. Хоразмийнинг алгебра атамаси бугун дунё бўйлаб ўрганилмоқда. Фарғонийнинг хайкали Мисрга ўзгача гўзаллик

бахш этмоқда. Бухорийнинг ҳадис илмида тенгсиз эканлиги ва бу муҳтарам зотнинг бизнинг Ватанимиздан эканлиги ҳар биримизни гурурлантирмоқда. Ибн Сино кашф этган даволаш усуллари, табиий дорилари ҳали-ҳамон амалиётда қўлланилмоқда. Амир Темур бобомизнинг буюқ сиёсати, жанговарлик илмида тенгсиз эканлиги, маданиятни қадрлаб, ҳар соҳани ривожланиши учун эътибор қаратганлигига дунё тан бермоқда. Мирзо Улуғбекнинг фалак илмидаги бебаҳо заковати жаҳондаги энг машҳур олимларни ҳам ҳайратга солмоқда. Навоийнинг ижоди севиб ўқилмоқда. Бобурнинг Ватанга бўлган муҳаббати яратилаётган асарлар учун мавзу бўлмоқда. Ахир бундай аждодларга авлод бўлиш, ҳақиқий бахт эмасми? Бахт, бахт бўлганида ҳам "Эверест"дан ҳам баландроқ бахтдир. Яна қанча аждодларимиз ҳақида ёзсак бўлади.

Меҳрибон юртбошимиз томонидан биз ёшларга улкан эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда қад ростлаётган олийгоҳлар, спорт мажмуалари, ижод мактабларини қуриб кўзлар қувнайди. Бизнинг маънавиятимизни юксалтириш ва буш вақтимизни мазмунли ташкил этиш бўйича шахсан Президентимизнинг ўзлари бешта ташаббусни илгари сурганлари,

унинг доирасида кўз кўриб, қулоқ эшитмайдиган даражада ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари бўлаётгани таҳсинга лойиқ. Кеча кишлоқда юрган, иш топа олмай қийналаётган ёшлар бугун тадбиркор деган шарафли номга сазовор бўлмоқда. Китобхон ёшлар ўз оталарига ақл-идроки ва зеҳни сабабли машиналар совға қилмоқда. Салоҳиятли, билимдон ўқувчилар халқаро олимпиадаларнинг ғолибларига айланишмоқда. Демак, юртимиздан янгидан куч ва ғайратга тўлган Амир Темурлар, Навоийлар, Бухорийлар, Бобурлар, Нақшбандийлар, Жалолиддин Мангуберди ва Кубролар, Увайсийлар, Бибиҳониму, Тўмарислар етишиб чиқмоқда.

Азизим, ҳеч уйлаб кўрганмисиз, бугун сизнинг қўлингизда китоб, телефон, ҳар хил керакли буюмлар бўлган пайтда, дунёнинг қайсидир жойларида сизга ўхшаган қўллар қурол кўтармоқда. Болалар очликдан қийналишмоқда. Ҳашаматли уйлар вайронга айланмоқда. Яратганга минг шукрлар бўлсинки, бизнинг юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Бундай мамлакатда яшашнинг ўзи аслида саодатдир.

Азизим, ҳаётни севиб, Ватанини ардоқлаб яшанг. Яна қайси юрт Ўзбекистончалик хато қилганларни

ҳам кечири олади? Яна қайси юрт Ўзбекистончалик ёшларини фарзданим, катталарни ота-онам деб ардоқлайди? Яна қайси юртда ўзига бек ўзбек бўлиб яшай оласиз? Йўқ, бундай юрт дунёнинг бошқа жойида топилмайдди. Демак, мана шу беқиёс Ватанини ардоқлаб, асраб, севиб, ривожланишига ҳиссалар қўшиб яшашимиз керак. Сабаби, туғилмасимиздан илгари Яратган кўксимизга ўзбек деган юксак нишонни тақиб қўйган экан, унинг қадрига етайлик.

Мен ҳам бир ўзбек фарзанди сифатида юксак мақсадларни кўзлаганман. Ахир катта мақсадлар катта ҳаракатлар сари ундайди-да. Келажакда, "Нобель" мукофотини олмақчиман. Куни келиб, ҳудди Нобель каби менинг номимда ҳам халқаро мукофот бўлади. Лекин, мен ана шунда ҳам дунёдаги ҳамма мукофотлардан ўзбек деган шарафни юқори биламан. Яхши ниятларим эса бир куни амалга ошишига ишонаман.

Мен ўзбекистонлик эканимдан фахрланаман.

Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ,
Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги
15-мактабнинг 11-синфи
ўқувчиси

Obuna mavsumi:

TAKLIFLAR, TASHVISHLAR VA MUAMMOLAR...

Ха, телефон деганлари устаси фаранг чиқиб қолди. Эрта тонгда ҳали кўзингизни очмасингиздан мусиқа чалиб янги хабар келганлигини маълум қилади. Шундоққина кўз югуртирмакчи бўласизу, ўз-ўзидан ижтимоий тармоқлардаги муҳокамалару баҳслар майдонига қандай кириб кетганлигингизни сезмай қоласиз. Бироқ... эндигина тандирдан узилган нондек димоғингизни қитиклайдиган газета ҳидини ҳам унутмадингизми, азиз мухлис? Ахир обуна мавсуми бошланди!!! Хўш, ижтимоий тармоқларда бу борада қандай мулоҳазалар билдирилмоқда?...

КУЧЛАР БИРЛАША, РАҚОБАТ КУЧАЯДИ

Хусан НИШОНОВ, "Маърифат" газетаси бош муҳаррири:

— Ҳозир вазият шундайки, йиғилиб қолган муаммоларни биронта ҳам тахририят бир ўзи тўла ҳал этолмайди. Биргалашиб ҳам бартароф этолмаслиги мумкин. Масалан, нашрларни тарқатиш, обуначиларга етказиб бериш хизмати замонавий усулда ишлашга ўтмас экан, муаммолар яна муаммоларни пайдо қилаверади. Муассислар оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонуларда, таъсис шартномаси ва тахририят низомида кўрсатилган мажбуриятларини тўлиқ бажаряпти, деб ҳам бўлмайди. Бу масалага ҳам ечим топишни кечиктирмаслик зарур. Балки тахририятларга тўлиқ мустақиллик бериш даври келгандир. Бундай бўлмаган тақдирда, нашрларни оптималлаштириш тўғри ечим бўлар эди. Кучлар бирлаша, ижодий рақобат кучаяди, нашрларда эълон қилинаётган материаллар сифати ошади.

ГАЗЕТАНИ БОЗОРБОП ҚИЛИШ КЕРАК

Зоҳиджон ХОЛОВ, журналист:

— Минг бора муаммони кўтаринг, обуна ўзгармайди. Ё аввалгидай мажбурий обунани тиклаш керак, ё менежментни ўрганиш керак-да, газетани бозорбоп қилиш керак. Лекин бунинг учун давлат нашрлари бозорини қуриш ва унинг доимий, пулдор миқозларини топиш керак. Бошқа йўли йўқ. Талабни ўрганиш керак: нима қилса, газетга мижоз оғринмасдан пул беради? Умуман, халқимизнинг бугунги аҳволи газетга ўқигуликми ўзи? Уларни енгил-еппиликка чорловчи ТВ каналлари, сериаллару бемаза кўшиқлар, абсурд хикояю уй ва мукофот илинжида ясалган календарь шеърлар билан аллақачон лоқайд, бепарво зомбиларга айлантириб бўлганми. Ёшлар тушида ҳам телефонга термулиб чиқади, катталарнинг фикри ёди пул топиш. Утган йили бир газета бир ташкилотга катталар қистови билан йирикқот тиражда ўтказилган. Аммо бу ташкилот ходимлари у газетани ўқишга вақтиям, хоҳишиям йўқ. Натижада ташкилот раҳбари газеталарни ходимларга тарқатиш ўрнига фурачиларга мақалатура нархида пуллаиди.

oilavajamiyat@mail.ru



Бу даҳшат-ку. Ундан кўра газета ёпилиб кетгани яхшимасми?

БЕПУЛ ТАРҚАТИШ ҚАНДАЙ НАФ БЕРАДИ?

Беруний АЛИМОВ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори:

— Ёшларнинг газета ўқимай қўйганликлари дастидан кўрилган зарар буйича айрим статистик маълумотларга эътибор берайлик. АҚШ газетачиларининг "Newspaper Association of America" (NAA) асоциацияси ўтказган ижтимоий сўровлар натижасига кўра, ҳозирги пайтда ёшларнинг бори ўғи 17 % газета обуначилари экан. Шу сабабдан 2000 йилда рекорд даражага чиққан, яъни умумий йиллик ҳисоблар 48 млрд. доллардан иборат бўлган газета рекламалари миқдори 2004 йилга келиб 46 млрд.га тушиб қолган ва ундан кейинги йиллар давомида эса кескин камайиб кетган. Албатта аҳолининг ёш ва фаол қатлами газета ўқимас экан унда бериладиган рекламаларни кутиш мантиққа тўғри келмайди.

Ана шундай вазиятда бепул газеталар тарқатиш орқали қандай наф кўриш мумкин? Бу саволга аниқ жавоб ҳозирча йўқ. Бироқ Belo Corp. компаниясининг Далласда чоп этиладиган ва текинга тарқатиладиган "Quick" газетасига 200дан ортиқ янги реклама берувчилар ҳамкорлик қилишни таклиф этган ва натижада 10 миллион доллар даромад олинган. Америкалик газета иқтисодчиси Майлз Гроув (Miles Grove) эътирофича, бепул газета учун бу кўрсаткич ёмон эмас.

Мамлакатда кейинги 20 йил ичида 18-24 ёшли газета ўқувчилари сони 55%га камайган. Ноширларнинг умид қилишларича, бепул газета тарқатиш орқали ёшларни газета ўқишга қизиқтириш ва энг асосийси, уларни келажакда потенциал обуначига айлантириш мумкин.

Айни пайтнинг ўзида ҳам даромадни ошириш мумкин. Чунки "X ва Y" авлоди газета ўқий бошласа, ўз-ўзидан реклама берувчи фирмалар ҳам кўпая боради. Натижада яхшигина фойда кўлга киритилади.

Аммо экспертларнинг фикрича, газеталарни бепул тарқатишнинг салбий оқибати ҳам бор. Мисол учун, ўқувчи янгиликларни текинга олишга кўникиб

қолса, пайти келиб унга пул тўлашни истамаслиги мумкин.

Яна битта салбий томони: одатда бепул газеталар тили пуллик газеталарга нисбатан анча содда ва жўн бўлади. Бундай ҳолатнинг кўп давом этиши нафақат контентнинг, балки журналистиканинг ҳам сифатига жиддий зарар келтириши эҳтимолдан холи эмас.

Мамлакатда

кейинги 20 йил ичида 18-24 ёшли газета ўқувчилари сони 55%га камайган. Ноширларнинг умид қилишларича, бепул газета тарқатиш орқали ёшларни газета ўқишга қизиқтириш ва энг асосийси, уларни келажакда потенциал обуначига айлантириш мумкин.

Жуда яхши эслайман, Ҳиндистон оммавий коммуникациялар институтининг профессори К.Шривастава Тошкентда бўлиб ўтган халқаро анжуман чоғида шундай деган эди:

— "Дунёдаги исталган давлатда бизнеснинг қай даражада тараққий этганлигини у ердаги ОАВнинг ривожланиши билан ўлчаसा бўлади. Матбуот — ривожланиш ойнасидир. Бошқача айтганда газета — бу жамият тараққийотининг индекси ҳисобланади. Бироқ ҳар қандай шароитда матбуот ташқи ёки ички иқтисодий

си ўринбосари:

— Бугун ўз устида ишламаган журналист, у соҳанинг қайси йўналиши бўйича — газета ва журналлар, теле-радиоканаллар, матбуот ва ахборот хизматлари, ОАВ сифатида давлат рўйхатидан ўтган веб-сайтларда фаолият юритмасин, жамоада, ҳаётда муносиб ўрин топиши, муваффақият қозониши мушкул.

Саксон миллион нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Туркияда олти минг номга яқин хусусий (бу ерда давлат, вазирлик ва ташкилотлар муассислик қиладиган нашрлари йўқ) газета ва журнал чоп этилмоқда. «Сабах», «Истанбул», «Ватан», «Дунё» газеталари шулар жумласидан. Айни кунда уч юз эллик нафардан кўпроқ ходим фаолият юритаётган, мамлакат бўйича тарқатиладиган «Сабах» газетаси тахририятида ҳам бўлди. Газетада 3 ва 4 саҳифаларига нашр тарқатиладиган худудга оид қизиқарли, тахлилий материаллар бериб бориш, информация характеридаги материалларни ўзига хос тарзда, ўқишли қилиб тайёрлаш йўлга қўйилган. Бу ерни ҳам босма нашрларда кечаётган қийинчиликлар, муаммолар четлаб ўтмаётган экан. Ун йилча олдин қарийб 800 минг нусхада чоп этилган мазкур нашр бугун 300 мингга яқин тиражда чиқмоқда. Тахририят жамоаси (алоҳида гуруҳ) тиражни сақлаб қолиш ва кўпайтириш илинжида изланаётир.

Ҳар кун чоп этиладиган «Сабах»нинг янги сонларини марказ ва жойлардаги газета масъул ходимлари қисқа вақт ичида газетхонларга етказиш, бошқача айтганда, почта хизматини ҳам ўзлари бажаради. Туркияда чиқадиган «Сабах» каби нисбатан кўп тиражли газеталари битта нашриётда эмас, бир пайтнинг ўзида мамлакатнинг Анқара, Истанбул, Измир, Бурса, Анталия каби йирик шаҳарлардаги босмахоналарда ҳам чоп этилади.

Яна бир жиҳат, бу ерда газета ва журналларга обуна бўлиш ун-



кўмаксиз ўзича фаолият юритиши қийин. Журналистика соҳаси амалиётда бизнес ёки сиёсат билан биргаликда, ҳамоҳангликда, тенг ҳамкорликка таянган ҳолда эркин фаолият юритиши мумкин. Шундай экан, газеталарни молиявий жиҳатдан қўлаб-қувватловчи бизнес доиралар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ёки ҳуқуқмат институтлари албатта бўлиши керак".

ПОЧТА ХИЗМАТИНИ УЗЛАРИ БАЖАРИШАДИ

Ҳолмурод САЛИМОВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раи-

чалик оммалашмаган. Нашрлар биздагидек (марказий, партия ва айрим тармоқ газеталаримиз кўзда тутилмоқда) А-2 форматда эмас, замонавий ва қўлай ҳисобланаётган А-3 форматда чиқади. Матбуот нашрларига аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг маълум фоизи ихтиёрий равишда асосан йиллик обуна бўлади. Қисқаси, Туркияда аҳоли газета ва журналларни асосан киоск ва бошқа жойлардан сотиб олиб ўқир экан.

Мухтасар ТОЖИМАМАНОВА
тайёрлади.

ERKAKSIZ UY – BEFAYZ QO‘RG‘ON

Эркакли уй. Унда ажиб салобат, яна таърифларга сизмайдиған аллақандай қувват борки, хонадон ташқарисидаги одамларга сир-синоати кўчага чиқмайдиган мустаҳкам қўрғондай туюлаверади. Ҳассос шоира Турсуной Содиқова "эркакли уйнинг тоmidан чакка ўтмайди" деганларида нафақат бу табиий ҳолат, балки ўша хонадон аҳли аёлининг бағри бутлигини назарда тутганлари аниқ.

Болалигимда дарахларнинг шохлари тебранса, (шамолдан қаттиқ кўрқардим) уйимизда дадам бўлсалар, хотиржам, бўлмасалар, ташвишга тушиб ўтиролмай, тезроқ кела қолсалар, дея дарвозага термулаверардим. Қаттиқроқ шамол бўлса, онам, опа-ака, сингилларим – ҳаммамизни фақат дадам асраб қолардилар гўё. Отани кўргонимизнинг қалқони, ҳар қандай офатларнинг балоғардони деб билганмиз-да.

Ўзим турмуш қуриб, болалигимдаги бу тушунчаларим бекор эмаслигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Катта ҳовлида қайнотам, янги ҳовлига кўчганимизда, турмуш ўртоғим раҳматли хонадонимизда бўлмаган кезлари уларимизнинг томи энқайиб, ҳаётнинг мазмуни хира тортиб қолгандай тую-



(barcha toifadagi ayollar albatta o'qishsin)

қулф экан. Куппа-кундузи уйларига қулф тушмасди-ку, дея узок тақиллатиб, энди қайтмоқчи бўлиб турганида, эшикни очиб, ҳожи тоғасининг ўзлари чиқиб қолибди: енглари тирсаккача шимарилган, анчадан буён кир юваётган экан чоғи, қўллари оқ ем бўлиб кетибди. "Э, барака топсин, келин аямга ёрдамлашаётган экан-да", кўнглидан ўтказибди. Ўзбекона одатга кўра, "қани ичкарига, жиян", дея уни ҳовлига тақлиф қилибди. "Келин аямни кўрмай, ўз оғзим билан тўйга тақлиф этмай кетаманми", дея ичкарига кириб, қай кўз билан кўрсинки, уй бекаси шийпон сўридаги тўрт қават кўрпачанинг устида ўсма қўйиб ўтирган экан. "Тоғам бечора, шунинг учун ҳам дарвозани қулфлаб олган, анчагача очолмаган эканлар-

бўлмасин", дейди яна бири мураса йўлини тутмоқчи бўлиб. Хуллас, катта хонадан ўттиз беш ёшлар атрофидаги кўхликига жувон шошиб чиқиб кетди. Ичкарида эса олди-қочди аскиялар, қаҳ-қаҳ отиб қулишлар давом этади. Тўполон авжга чиқиб кетгач, бир аёл ташқаридан эшикни ёпиб қўйса, ичкаридан шашт билан очиб юборишди. Қўшни хонадагилар тезроқ овқатланиб, бу ерни тарк этишдан бошқа чора топпай қолдилар.

Чекка қишлоқда хонадонма-хонадон юриб, муаммоларини ўрганиш жараёнида бир танишимизнинг ҳовлисига кириб қолибмиз. Амалга анчайин ўч, кибр-ҳавоси бандан аёлнинг ҳовли-жойидаги тартибсизликларни кўриб, ҳайратланиб қолдим ва турмуш ўртоғидан уй бекасини сўрадим. "Кеча байрамда чарчаб қолишган экан, дам олаётган эди-да", дейди ўнғайсизланиб. "Қақирилмаган бўлса-да, меҳмонимиз, уйғотишнинг иложи борди", дедим хонадон эркинига. Хижолат бўлган эркак уйи томон йўналади. Анча ҳаяллаб, ҳалиги аёл бир аҳволда ичкаридан чиқиб келади. Кўришар эканмиз, димоғимга "гуп этиб" ароқнинг қўланса ҳиди урилади. "Эҳ, соддагина одам-а, аёлинг шу аҳволда экан, уйда йўқ эди, деб қўя-қолганинда, шундай аянчли ҳолатга гувоҳ бўлмаган бўлардик-а!". Бу не разолатким, чекка қишлоқда ҳам эркак ҳовлида куймаланиб юрса-ю, уй бекаси "дам" олса!

Зуқо муштарий, бу мисоллар асносида нима демоқчи эканимизни аллақачон фаҳмлаб олгандир. Ҳа, кўнглингизга келганидек, истай мизми-истамай мизми, оила аталмиш кўрғонда "устун"лик даъвосини қилаётган бекалар учрамоқдаки, бу миллий ўзгичлиги ва азалий қадриятимизга путур етказмай қолмаяпти. Маънавий қашшоқ аёлларнинг "Эркак бош бўлса, аёл— бўйин, бўйин қаёққа қайрилса, бош шу ёққа қарайди" қабилидаги ножиоз қарашлари таъсирига кўпчилик тоифадоларимиз тушиб қолаётгани афсусланарлиқдир.

Донишманд халқимизнинг "Эрни-эр қиладиган ҳам, каро ер қиладиган ҳам хотин", деган лурхмик мақолини нега унутамиз? Рўзгорнинг бор "юки"ни зиммасига оловган ва удабуронлигидан ҳаволаниб кетган аёллар туфайли айрим эркаклар бу борада танбаллашиб

бораётгани ҳам бор ҳақиқат. Ёки йиллаб, ўн йиллаб оиласидан, болаларининг бағридан йироқда, мусофирчиликда юрган эркаклар (баъзан аёллар ҳам) кимнинг хоҳишини ижро қиляптилар? Улар айримларининг жасади келаётгани, бошқалари қийналаётгани ёки кўнгли кўчаларида саргардон кезиб, гуноҳ азим ботқоғига ботаётгани, тузалмас дардга чалинаётгани, бу ёқда жуфти ҳалоли туриб, фарзандларини тирик етимлик гирдобига отиб (меҳр – кўзда-да), янгисини топиб олаётганида ким айбдор?! Оиласидан ўз хоҳишига кўра, бир кун айро эр-хотин ўртасида қирқ кун меҳр қочади, деган гапни ҳам бошидан ўтказган аждодларимиз бежиз айтишмаган. Аллоҳнинг гувоҳлигида, давлатнинг номидан барпо этилаётган оилавий ришталар мўртлашиб, баъзан чирт-чирт ўзилаётганининг сабаблари мана қаерда. Эркиги "устун"лигича турган, аёли аёллигини қилган оилаларнинг муқаддаслигига асло путур етмаслигига қанча-қанча оилалар яққол мисол ва ибратдир.

Аслини олганда, бир файласуф топиб айтганидай "аёл эркак зотининг буюк мураббийсидир". Ахир жамиятнинг тенг ярмини тоифадошларимиз ташкил этадиган бўлса, унинг қолган ярмини ҳам аёл зоти дунёга келтириб, оёққа қўяди-да. Аёл жисман нозик эса-да, руҳан бақувват бўларкан. Умр кўриш даражаси аёлларда узоқроқ эканлигининг сирини нимадалигини ҳар доим ҳам идрок этавермаймиш. Аёл зоти туғилишдан пухтароқ, яшовчанроқ бўлиш билан бирга, анча-мунча ғам-ғуссаларни кўза ёшларимиз орқали ювиб ташлар эканмиз. Аксарият эркак зотига бундай одат бегона. Турмушнинг ўнқир-чўнқирларида дуч келган изтиробларини улар ичига ютадилар. Айтмоқчиманки, улар ҳамиша бизнинг меҳримизга муштоқдирлар.

Аждодларимиз ота ўтирган уйнинг томига чиқсини гуноҳ билганлар. Оилада охириги гапни оталар айтган ва хотин ҳам, болалар ҳам шунга амал қилганлар. Ёдимда, раҳматли онагина отамизнинг ҳатто пойабзали устидан ҳатлатмасдилар: эркак хонадоннинг пири, унинг оёқ кийимига ҳам гард кўндирмаслик керак, дегувчи эдилар. Бугун оилада эркакка белгисан қаралаяптими, ҳал қилувчи гапни аёл айтаяптими, бу, албатта оила бошлиғининг ўз ўрнини бой берганидан да-

лолатдир. Миллий ва диний қадриятимиз эса бу ҳолат билан асло келиша олмайди. Шундай экан, маънавиятчилар, хотин-қизлар қўми т а л а р и, "Оила" илмий-амалий тадқиқот марказлари, маҳаллалар мута-сатдилари, диний уламолар оилада эркакнинг ўрни, бурчи ва мажбурияти, аёлнинг вазифалари ҳақида ҳаётий мисоллар асосида таъсирчан сўхбатлар уюштириб борсалар, яхши бўларди. Зеро, эркиги ўз ўрнини билган уйларнинг оиласи мустаҳкам, файзи бошқача, қўрғони сирли ва салобатли қўриनावеради. Бошлиғи ҳаёт бўла туриб, уйнинг "эркаксиз", қўрғоннинг файзис бўлиб қолишидан яратганини Ўзи асрасин!

Сиз бунга нима дейсиз, азиз муштарий?

Ҳадичахон КАРИМОВА,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

“ Анча ҳаяллаб, ҳалиги аёл бир аҳволда ичкаридан чиқиб келади. Кўришар эканмиз, димоғимга "гуп этиб" ароқнинг қўланса ҳиди урилади. "Эҳ, соддагина одам-а, аёлинг шу аҳволда экан, уйда йўқ эди, деб қўя-қолганинда, шундай аянчли ҳолатга гувоҳ бўлмаган бўлардик-а!". Бу не разолатким, чекка қишлоқда ҳам эркак ҳовлида куймаланиб юрса-ю, уй бекаси "дам" олса! ”

лаверарди. Қўрғон қанчалар мустаҳкам қурилган бўлмасин, эркаксиз уйнинг тоmidан, кўчма маънода албатта, ҳамиша чакка ўтиб туриши ҳақиқат экан. Уй бекасининг ҳовлиси ҳам, қалби ҳам ҳувиллаб, фарзандлари сарбонини йўқотган бўталоқдек бўзлаб қоларкан. Буни бошидан ўтказган одамгина қалбан ҳис қилади. Бундай йўқотишнинг чораси йўқ, албатта. Аммо...

Қадрдонимиз жуда зиёли, маданиятли, ҳар қандай масъулиятни юракдан ҳис этадиган инсон эди. Шунинг учун туман миқёсидаги масъул жамоат ишлари ҳам шу одамга ишонч билан юклатиларди ва уни қойилмақом қилиб удаларди. Кунларнинг бирида унинг тўсатдан қазо қилганини эшитиб қолдик. Ҳамкасблари раҳматли хонадонидан костюминини елкасига ташлаб чиқиб кетиб, биринча вақт ишхонасида яшаб юрганини, изтиробларини юрагига яширганича ёлғончи дунёни эрта кундан тарк этганини айтишгандагина ҳаёт тарзи мураккаб кечганини билибмиз. Ҳамиша ўзини чиройли олиб юрган бу инсон ҳеч қачон турмушдан нолимаган, ҳамкасбларига эса "Ҳа энди, бунини турмуш деб қўйибди, бир бош пиёз ҳар жойда бор" дея гапни қисқа қилиб қўяарканлар. Ҳаётлигида сизмай қолган уйдан тобути чиққани қанчалар аянчли-а?

Ҳамкасбларимиздан бири айтиб берган мана бу ҳолат ҳамон одам дилини ғаш қилади. Бооброў, эл-юрт юмушида сочи оқарган тоғасининг хонадонига тўйга айтгани борса, дарвоза

да, — дейди у. — Оғзимдан бирор ноҳўя гап чиқиб кетмасин, дея хонадондан қандай чиқиб кетганимни ўзим билмай қолибман. Шу-шу келин аямга ҳурматим йўқолди, тоғамга эса ачинаман. Икки нафар қизларини узатиб юборишган, ўғиллари турмаган эди. Бувимнинг нолишлари бежиз эмас экан: "Бу келин кенжамни тизгинлаб, қаёққа етакласа, юрадиган қилиб олди, шу боисдан ҳам бағримдан юлиб олиб чиқиб кетган-да", деб нолиб юриб ўтиб кетгандилар, раҳматли". Ўзбекона, қолаверса, исломий одобнинг ҳеч қайси қолиғига сизмайди бу ҳолат, шундай эмасми?! Китоблардан Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам ҳам уй юмушларида Ойша онамизга ёрдам берганларини ўқиганмиз. Аёлига кўмаклашиш мардининг иши, аммо аёл ҳам бу илтифотни суимстеъмом қилмаслиги керак-да.

Емакхонанинг каттагина хонасини банд этиб, ошхўрлик қилаётган аёлларнинг сўхбатлари очик эшитқдан қўшни хонага бемалол эшитилиб турарди. "Энди турайлик, хўжайиндан икки соатга рухсат олгандим, уч соат бўлибди-я", дейди улардан бири. "Қанақа хўжайин, биз тўрт соатга пул тўлаганмиз, бизни хўжайинлар "гаҳ" десак қўлимизга кўнади. Ҳалиям йўригингизга юргизиб олмаганмиз, гўсхўргина сингил" дейди гап-сўздан ўткиргиналиги сезилиб турган яна бири. "Опа, майли, сафимизда юраверсалар, ўзимизга ўхшатиб оламиз, ҳозирча Шохидахонга рухсат берайлик, яна уйда дилхиралик



оилаважамият@mail.ru

ENAM AYTGAN "DILBUZARLAR"

Замонавий асрнинг замонавий киши-си деган тушунча халқимизнинг турмуш тарзига таъсир кўрсатмоқда. Бугун ҳар бир инсон замондан ортда қолмаслик учун интилмоқда. Тўғри, интилиш яхши. Бироқ интилмоқ деб, ҳар мақомга йўрғалаш маънавиятни саёзликка етаклайди. Раҳматли Саодат энажоним онамга жуда кўп насиҳатлар қилган экан. Шуларнинг орасида, ҳадеб телевизорга тикилмаслик, ундан ортиб бошқа ишларга ҳам эътибор қаратиш муҳим қоидалардан бири бўлиб, онам ва тоғамлар жуда кўп гап эшитишган экан. Ҳаттоки, илгари оиламизда тушлик, кечки овқат вақтида телевизор ёқилмас, энам эса "телвизор"ни "дилбузар" деб атаган экан. Бизнинг хонадонда, бу тўртбурчак қутига нисбатан инсон дилини, ундаги эзгулик дунёсини бузадиган матоҳ сифатида қаралиб, унчалик ёқтирилмаган, ҳар доим ҳам ёқилмаган экан.

"Маънавий гули"га иссиқ сув қуйилмоқда

Бугун-чи... Бугун юртимизда деярли телевизорсиз хонадон йўқ. Бу ҳолат албатта, халқимиз турмуш тарзи яхшилигидан, оиланинг ўзига тўқлигидан далолат беради. Олимлар, механика усталари эса, бу "дилбузар"нинг ҳар хил турларини пайдар-пай ихтиро қилишмоқда. Ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланиб қолган зангори экранларимиз орқали дунёда қандай воқеалар бўлаётганини, ёнтрофимизда нима гаплар эканлигини, янгиликларни билиб борамиз. Бироқ бугун зангори экран деб атаётганимиз, ҳақиқатдан ҳам дилимизни, маънавиятимизни, онгимизни бузадиган ҳар хил кўрсатувлар, кинолар қўйиб, энамнинг фикри бугуннинг ҳақиқатига айланиб қолмоқда. Кўплаб телеканалларимиз орқали эфирга узатилаётган турк сериалларини-ку айтмас ҳам бўлади.

Яқинда онам иккимиз суҳбат қуриб ўтирдик. Суҳбатдан ортиб, телевизор кўрмоқчи бўлдик. Зангори экранни ёқдим-у, онамни: "Болам, "Наво"га қўй. Қўшиқ эшитамиз", деганларини эшитдим. Ахир, навомизда чиройли овозлар, ажойиб кўрсатувлар бўлади-да. Дарҳол, "Наво" телеканалига қўйдим-у, "Ҳинд оҳанглари" дастури бўлаётганига гувоҳ бўлдим. Ҳинд қўшиқлари ўзгача гўзал. Бироқ бизнинг экранларга тўғри келмайдиган, экранларга тўғри келсада ўзлимизга тўғри келмайдиган, маънавият деган гулга "иссиқ сув" қўйиб, сўлишига замин тайёрлайдиган ҳар хил видеоларнинг намоиш этилиши бизни хафа қилди. Онам ҳам кўришни хоҳламадилар шекилли, ташқарига чиқиб кетдилар. Шу ўринда азиз телемуҳаррирларимизга бир ҳақиқатни айтишни бурчим деб билдиман. "Биз телевизорни ҳиндистонлик "опа"ларимизнинг очик кийимлардаги

оппоқ баданлари ва бошқа тана аъзоларини кўриш учун томоша қилмаймиз. Биз инсонга маданий ҳордиқ бера оладиган қўшиқларни, онгимизни ривожлантирадиган, ақлимизни янада равшан қиладиган дастурларни томоша қилишни хоҳлаймиз". Ахир бундай ҳолларда дилимиз бузилмай, нима қилсин... Агар бугуннинг кўрсатувлари ва киноларини энам раҳматли кўрганларида эди, "қиммат" телевизоримизни синдириб ташлаган бўлар эди.

«Так-так»лар ҳам қўшиқ бўляпти

Киноларни бир четга суриб, эфирга узатилаётган қўшиқлар ва уларнинг клипларига эътибор қаратсақ гоҳида аччиғимиз чиқади. Шеърини ким ёзган экан деб, қидириб қоламиз. Ҳаттоки, "так-таклар" ҳам қўшиқ бўлган пайтда, қофия деб мазмуннинг унутилаётганига қайғураемиз. Бир қўшиқни эшитиб, қулгоғим ҳам пушайтон бўлди. Нима эмишки, қўшиқ айтаётган "санъаткор"га машина ва кўп пуллар керак экан. Бу пулларни савобли ишларга сарфласа-ю, барака топсин,



бирок "бир қизни ўраб олишга" керак бўлган машинани эшитиб, сўзини ёзган ижодкорнинг тезроқ қалами йўқолиб қолишини хоҳладим. Ўзи қиз болани ўраб олиш деган фикрнинг мантиқсиз эканлигига чидаб бўлмайди-ю, яна бу мавзуда шеър ёзилиб, қўшиқ куйлашни дилимизни оғритади. Ҳар бир айтилган қўшиқ санъаткорнинг юзи, юраги ва келажигидир. Ижодкор инсон ижод қилишидан аввал, ёзаётгани ёки куйлаётгани кимгадир тўғри йўл кўрсатишини ўйламаса, ҳақиқий ижод маҳсулини ярата олмайди. Бугуннинг ёш санъаткорлари марҳум Охунжон Мадалиев, Мухриддин Холиқов, Нуриддин Ҳайдаров (устоз санъаткорларни санамий қўя қолайлик) сингари ҳар сўзида ҳам маъно, ҳам дард, ҳам бахт, ҳам умид тасвирланган қўшиқларни ижро этолмасалар-да, ўз йўналишларини топши, санъаткордан санъати хорга айланиб қолмаслиги керак.

«Аям, роса йиғлаб кўрди»

Ҳар бир яратилаётган асар ўз миллиятининг маънавий кўзгуси ҳисобланади. Кўзгудаги доғни артса кетиши мумкин, бироқ ана шу доғлар таъсирида юракда пайдо бўлган доғни кетқизиш бўлармикан. Мактабга кетаётган биринчи синф ўқувчиларининг суҳбатларини

эшитиб қолдим. Улар нималардир ҳақида баҳслашар эди. Сўзларига қулоқ солсам, "Сен хато айтяпсан", "Бола ундан бўлмади-ку, яхшилаб кўрмадингми?", "Севмайман деб айтди, ярамас", "Менинг аям роса йиғлаб кўрди", "Дарс қилдингми?", "Йўқ, соат ўнгача телевизор кўрдик", сингари кечаги кинонинг тафсилотлари экан. Болаларга кинонинг ўрнига китоб ўқисанглр бўлмайди, десам оналари кино туғанидан сўнг, уйга вазифаларига қўмаклашишни айтибди. Мана сизга бугуннинг болалари. Наҳотки, ёш оналар фарзандларининг таълимидан телесериаллари устун кўрса, Афсус, минг бора афсус... Бу афсуслар, эртанги надоматларга уланмаса, деб умид қиламиз.

Қайси нодон совун ейди?

Фикрларимнинг марказида яна бир нишон бор. Телевидение орқали эфирга узатилаётган рекламаларнинг орасида ҳам оғриқли нуқталар бор. Биз иқтисодий билим асослари фанидан ҳам, тадбиркорлик ҳақидаги дарслигимиздан ҳам иқтисодиётда, товар сотишда режаманинг ўрни беқиёс эканлигини ўрганганимиз. Аммо ана шу

ларда олиб борилиши, адабий тилимиздан фойдаланмаслиги она тилимизнинг она эканлиги баъзида ёдимиздан чиқаётганини кўрсатмоқда. Ёшлар орасида машҳур санъаткорлар, қизиқчиларнинг журналист сифатида қизиқарили кўрсатувлари олиб бораётгани таҳсинга лойиқ. Бироқ соф ўзбек тилига шева ва рус сўзларини қўшиб гапиришлари қўпол хато саналади. Ўзбек тилининг мавқеи ҳукумат қонунлари билан белгилаб қўйилган бир пайтда, зангори экранда кўринаётган ҳар бир ижодкор масъулиятни ҳис қилиши лозим. Зеро, миллион-миллион халқимиз эътиборига ҳавола этиладиган ҳар бир кўрсатув вақтни бекорга сарфлаш учун эмас, балки илм ўргатиш, тўғри йўл кўрсатиш, қўмаклашиш мақсадида тайёрланса ҳаммаси яхши бўлади.

Барчамизнинг юрагимизда эзгулик уруғлари ниш урмоқда. Қани эди, дилни бузадиган, ўйга соладиган ҳар хил маъносиз кўрсатувлар, кинолар ўрнига қалбимизда аҳиллик, меҳр-муҳаббат, камсукумлик, камтарлик, иймон сингари қомиллик қасрининг пойдеворларини қурадиган "курувчи" кўрсатувлар сони кўпайса. Турк киноларини анча ортда қолдирадиган ўзбек киноларининг сони ортса. Бизнинг ижодкорлар ичидан ҳам "Оскар", "Нобель" ва бошқа халқаро мукофотлар соҳиблари етишиб чиқса. Ўзбекларнинг номида аталадиган халқаро мукофотлар таъсис этилса... Албатта, яхши ниятларимиз кўп. Бироқ зангори экран аҳиллик маърифатсизликни тарғиб қилувчи кўрсатувларини кўриб ўтираверсак, бу ниятларимиз амалга ошмайди. Ўзбек киноларини, юксак дид ва маҳорат билан ишланган кўрсатувларни тушларимизда кўриб бораверемиз. Шунинг учун ҳам интилишимиз, жим турмаслигимиз, бефарқ бўлмаслигимиз керак.

Томири билан кўпорилади

Шу ўринда телевидение ходимларининг айлалаш хато. Кузатувчиларни ҳам тўғри йўлга етаклаш керак. Ахир, кино деб фарзанднинг дарсига қарашмайдиган оналар, чақалогига қалб сўзларини айтиш ўрнига, телефондан аудио аллалар қўйиб бераётган келинройилар, бундай ҳолларга безътибор қараётган оталарнинг сони кундан кунга ортиб бораётгани қайғули, ачинарли ҳолат. Ахир, телефондаги аллани эшитиб, дарс қилишнинг ўрнига кино кўриб, маънавиятсизликка етаклайдиган рекламаларни кузатиб, маърифатга тўсиқлар ҳисобланмиш бемаъни қўшиқларни тинглаб ўсаётган болалар келажакда ким бўлиб чиқади, қандай одобга сазовор бўлади?

Шу саволларга жавоб топишда аҳиллик, жонбозлик, бирдамлик керак. Билдирилган мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, айна дамдан бошлаб катта қадамлар билан маърифатсизлик сари курашмоқ лозим. Қачонки, оталар телевизор кўраётган боланинг қўлидан пултни олиб, ўрнига китоб туттишни билса, қачонки оналар, сериалдан кўра фарзанд тарбияси бугун муҳимроқ эканлигини англашса, қачонки телемуҳаррирлар номига эмас, вилдон билан асил ёнғоқни пулларидан ажратса, ҳақиқий санъатни, ҳақиқий маънавиятни зангори экранларимизга ҳавола этса хатолар камаяди, кези келганда томири билан кўпорилади. Ниятим, дилимиздаги яхшиликларни ҳеч ким, ҳеч нарса буза олмасин. "Дилбузар"ларимиз бузғунчиликни четга суриб, қурувчиликни бошласин.

Ё.ҲАЙИТБОВ

Вақт бекорга сарфланмасин!

Ҳар хил кўрсатувларнинг шева-

TOG'DEK AKAM BO'LSA EDI

Болагимда акам бўлишини жуда-жуда орзу қилардим. Акаси бор қизларни ҳеч ким хафа қилмас, кўнглига оғир ботадиған гаплар айтолмасди. Ҳамиша тоғдек акам бўлса, деб орзу қилардим. Аммо ҳаётда содир бўлган айрим воқеаларни кўргач, эшитгач эса... Жиззах вилоятида яшовчи Саёҳат исмли аёл бошига тушган кўргуликларда туғишган акаси сабабчи эканини сўзлаб берди. Орамизда ҳамиша аҳил-иноқлиги билан атрофдагиларга ўрнатилган яшаётган ака-укалару, опа-сингиллар талайгина. Аммо шахсий манфаати йўлида ўз туғишган жигарларига озор беришдан чўчимайдиганлар ҳам йўқ эмас...

СИНГАН КЎНГИЛ

Саёҳат ёмғирли кунни жуда ёмон кўради. Негадир юраги очилмайди. Бугун борлиқ қоп-қоронғу рангга буркангандек бу ранг одамларнинг юзига ҳам кўчгандек туюлади унга. Айниқса сарғайган барглardan шариллаб оқаётган сув, худди кўз ёш мисол унинг қалбига ўкинч олиб киради. Ҳар гал табиат кўз ёш тўққан паллада у Низомжонни эслайди. Хўжайини автохалокатга учраб, оламдан ўтган кунни ҳам туни билан ёмғир ёғиб чиққанди. Бугун ҳам туни билан ёққан ёмғир эрталаб ҳам тинай демади. Саёҳат бир амаллаб бекатга етиб олди-ю автобус кутишга ҳам сабри чидамай, такси тўхтатди. Хонасига кириб, компьютерга яқинлашганда ҳамки қўл телефони жиринглаб қолди.

— Алло, эшитаман. Ким бу?

— Мен ўлгингиз Шерзоднинг синф раҳбари бўламан? Эрталаб мактабга келаётиб, йўлда автохалокатга учрабди. Тез ёрдам машинаси шифохонага олиб кетди. Манзилни ёзиб олинг.

Хонасидан ўқдек отилиб чиққан Саёҳат йўл четиди қайси шифохона эканини эслолмай бироз эсанкираб турди. Сўн ўзини қўлга олди. Ўғлим яшайди, у ўлмайди. Бунга йўл кўймайман. Уст-боши шалаббо ҳўл бўлган она шифохонага кириб борганида ўғлини операцияга олиб кириб кетишганди.

— Ўзингизни қўлга олинг. Ҳаммаси яхши бўлади. Қабул бўлимидаги шифокор аёл Саёҳатнинг елкасига қўлини қўйиб, уни тинчлантди.

— Боламни кўрсам бўладими?

— Бунинг иложи йўқ. Барибир у хушиз.

Саёҳат деворга суюнганича ҳаракатсиз қотиб турар, йўлакда уёқдан-буёққа ўтаётган одамларнинг бири оёғини эзиб ўтса, бири елкаси билан туртиб кетарди. Шу тонда унинг миясига бирор фикр келмас, мияси каби юраги ҳам тўхтаб қолгандек эди.

Уч ярим соат деганда операция тугаб, Шерзоднинг омон қолгани ҳақидаги хабарни етказишди. Шукр, ўзингга беадад шукр, Саёҳатнинг лаблари пичирлаб, бу хушxabардан ичига сизиб кирган ёруғликдан кўнгли кўтарилиб кетди.

— Синглим, ўлгингиз, бошидан оғир жараҳат олган экан. Операция жараёни қийин кечди. Қўлимиздан келган ёрдамни аямасдик. Зудлик билан манави дориларни олиб келишигиз керак, — деди Шерзодни операция қилган шифокор.

Саёҳат дорилар ёзилган қоғозни кўтариб дорихонага кирди. Сотувчи йигитдан дориларнинг нархини эшитгач, акасига кўнгирак қилишга мажбур



Акасининг ўзи бош-қош бўлиб харидор топиб, Саёҳатнинг уйини сотиб, пулни олди-ю, ташвишдан қутулди. Ўн беш кундан сўнг Акбарали салондан яп-янги "Lacetti" сотиб олди.

бўлди.

— Уф, пул йўғида шу фалокат ҳам бормиди? Бўпти, бир эвини қиларман, — деди Акбарали акаси.

Яхшиям шу акаси бор. Жаҳлдор бўлса ҳам барибир жонига оро киради. Кечки томон Акбарали ҳовлиққанича келиб, Саёҳатнинг қўлига бир даста пул тутқазди.

— Ўзингизда йўқ, оламда йўқ. Танишбилышлардан тополмагач, фойизга бўлса ҳам олавердим.

— Раҳмат ака. Барака толинг. Болаларингизнинг роҳатини кўринг. Топганингиз тўйларга буюрсин.

— Сенларни деб топанларим нукул касалхонага буюряпти. Эрингнинг маъракаларига кетган пуллардан эндигина қутулгандим...

Бу гаплардан Саёҳат хафа бўлмади. Бундай таъналарни эшитавериб, кўнгли қотиб кетган. Нима қилсин, акасига ҳам қийин. Уч боласининг муаммоси ҳам етади. Буёқда икки синглисининг дардига қулоқ солсинми, хотинининг қошқовоғига қарасинми?

Шерзод шифохонадан чиққач, икки ой мактабга чиқмай туришини тайинлашди. Саёҳат ўғлининг ошқовқатини тайёрлаб, сўнг ишга кетади. Боласининг боши омон қолганига шукр қилади. Бир кунни акаси уйига ташвишли ҳолатда кириб келди. Унинг жаҳлдан бўғриққан юзини кўриб, юраги шиг этиб кетди.

— Бир ҳафтадан буён анави фойизга пул берган одам пулини қистаб қўймайяпти. Нима қиламиз?

— Яна бироз сабр қилсин. Бирортасидан қарз сўраб кўрарман.

— Ҳар бир ўтган кун учун фойиз қўшилади. Тезроқ ҳаракатингни қил.

Саёҳат ундан-бундан қарз сўраб кўрди. Аммо ҳеч ким ёрдам берай демади. Еган-ичганида ҳаловат йўқ. Бир ойдан сўнг акаси яна уйига келиб, дўқ уриб кетди. Кеннойиси ҳам кўнгирак қилиб, анча муңча сўзлар билан дилини хуфтон қилди. "Акангизнинг қон босимини ошириб, ўлдирмоқчимисиз. Қарз берган одам

эшигимизни тирқишини бузай деяпти!"...

Саёҳат уйини сотишга қарор қилди. Акбарали ҳам унинг бу қарорини маъқуллади: "Бошингизда ўғлинг бор. Беш-ўн йилдан сўнг улғайиб, ёнингга кириб қолади. Унгача ижарада яшаб турасизлар. Шаҳар чеккасидан арзонроқ уй топиб берарман". Акасининг ўзи бош-қош бўлиб харидор топиб, Саёҳатнинг уйини сотиб, пулни олди-ю, ташвишдан қутулди. Ўн беш кундан сўнг Акбарали салондан яп-янги "Lacetti" сотиб олди. Бу хабарни эшитган Саёҳатнинг кўзларига ёш тўлди.

ДЎППИ

Насиба ҳар кунгидан эртарақ туриб, томорқадан яхши пишган ошқовоқни узиб келиб тозалаб, қирғичдан ўтказиб, сомса ёпишга тайёргарлик кўра бошлади. Тўнгиқ ўғли Дилмуроднинг қўлига пул тутқазиб, гузарга ширинликлар сотиб олишга юборгач, кўнгли хотиржам тортиб, ишга киришди. Бугун шанба, раҳматли онасининг туғилган кунини. Ҳар йили шу кунни ота ҳовлисига бориб, уч-тўрт нафар кўшни аёлларни чақириб, ош дамлаб, онасини хотирлашади. Қўлагининг

енглирини қайириб, рўмолини икки чеккасига чамбарак қилиб, ҳафсала билан хамир ёйишга тушганди. Дилмурод кўчадан ҳовлиқиб кириб келди:

— Ая, сомсани тезлатинг. Ҳозиргина гузарда тоғанин кўрдим. Қайнотасининг қишлоғи томонга ўтиб кетди. Сизга салом айтди.

— Вой, Салимжон кептими? Саҳарлаб йўлга чиқишдан бўлса керак. Жуда яхши бўпти. Онажонимнинг арвоғи шод бўладиган бўлди.

Укасининг номини эшитиб, ичига чироқ ёқилгандек, чарогон бўлиб кетди. Юраги соғинчдан хапқириб, хаёл кўргур узоқларга етаклади. Кўз олдидан худди кино лентасига ўхшаб, укасини бағрига босаётгани ўтар, онасиникига ўхшаган кўм-кўк кўзларини эслаб, сўюниб ке-

тарди. Ёшлигида онаси раҳматли уни жуда яхши кўрарди. Чирғобоним деб эрқалатарди. Афсус келиннинг ишини деб онасини ёлғиз ташлаб, пойтахтга кўчиб кетишди-ю қайтишмади. Онаси шўрлик ёлғизликни кўтара олмай, қон босими ошиб, йиқилди-ю, шу дард олиб кетди. Шундан буён ота ҳовлисида чироқ ўчди. Насиба бир текис қилиб туғилган сомсаларни меҳр билан савадга жойлаб, тандир томон ўтди. Сингиб пишган, чиройли сомсалардан алоҳида дастурхонга ўраб, тоқчанинг тепасига қўйиб, қизи Назокатни оғоҳлантди:

— Манави сомсаларни тоғанга олиб қўйдим. Укаларинг еб қўйишмасин. Мен гир этиб бозорга бориб келаман.

Насиба Кўқон бозорига тушиб, тўғри дўппи растаси томонга ўтди. Укаси пойтахтда яшаса ҳам тўй-маъракаларга бориб туради. Энди қап-қатта эркак. Ялангбош борса уят бўлади. Мусулмончиликка тўғри келмайди. Насиба бозордаги энг чиройли дўппига харидор бўлди.

— Буни кийган бош ҳечам ёмонлик кўрмайди айланай синглим, — деди қалампирнусха дўппини қўлига олган сотувчи аёл. — Қўл иши. Чоки тоза. Меҳр билан тикканман. Манавиниси машинада тўқилган. Мана қаранг, қанча фарқ бор. Онам раҳматли тиккан дўппиларни фақат машхур инсонлар қилган. Ҳечам тугамайди. Ўзингиз уч ойда тикиб тугатганман. Ҳали яна сўраб келасиз...

Насиба ҳеч иккиланмай сотувчининг қўлида ял-ял товланиб турган дўппини сотиб олди. Уйига келиб, нарсаларини сумкага жойлаб, йўлга тушди. Ота уйига бориб, дарвозани очди. Онасининг хонасига кириб, дўппини авайлаб таҳмоннинг устига жойлади. Сўнг ҳафсала билан ҳовлини чиннидай қилиб супуриб, сув селди. Гараждан ўчоқ билан қозонни олиб чиқиб, тағига олов ёқиб, бисмилло деб ёғ қўйди. Укасининг ҳақиқига узундан-узқ дуолар қилди. Ошининг зирағини қилиб қўйиб, қўлбола шакароб тайёрлади. Насибанинг келганини эшитган қўшни аёллар бири бири коса анжир, бири узум солинган идишларни кўтариб кириб келишди. Бир зумда ҳовлига файз кирди. Ҳангоҳа қилиб ўтириб ош ёйишди. Аммо Насибанин кўнгли беҳузур, нигоҳларини дарвозадан узмайди. Кўчадан келган ҳар бир машина товушидан сергакланади. Ош ейилиб, дастурхонга фотиҳа тортилгач, қўшниллар уй-уйларига тарқалишди. Насиба қайфиятсиз бир аҳволда идишларни ювиб, жой-жойига тахлади. Учоқ билан қозонни гаражга олиб кириб қўйди. Укасига аталган дўппини таҳмондан олиб, камзулининг чўнтағига жойлади. Дарвозага қўлфни осиб, қўшнилларга кўз-қулоқ бўлиб турарсизлар деб уйига йўл олди. Қўёш кунни тарқ этаётганидан оғриниб, юрак-бағри қонга айланиб, осмонни қип-қизил рангга бўяган. Кун билан тун тўқнашган паллада қишлоқ одамлари бир-бирларини қадам олишдан танийди. Насиба кўчага чиқиб бироз турди, Салимжондан дарга бўлавермади. Сумкасини қўлтига қисиб уйига йўл олди. Гузарга етуғича орқасига қараб-қараб қўйди. Мулоқишга етганида узоқдан келаётган қора "Lacetti" машинасига қўзи тушиб, юраги шиг этиб кетди. Салимжон, келяпти. Кеч бўлса ҳам келяпти. Айланни кетай, ўзимни жигаримдан. Сенинг дийдорингни ҳеч нарсга алишмайман. Онаман қолган ёдгорим. Насибанин юраги хапқириб кетди. Аммо Салимжон машинасини қадрдон кўчаси қолиб, пойтахтга олиб борадиган катта йўл томон бурди-ю, вариллатиб учириб кетди. Йўл четидида турган Насиба укасига қўлини кўтарганича қолаверди.

НИГОРА РАҲМОҶОВА

oilavajamiyat@mail.ru

Qachon dars o'tasiz, domlajon?..

(o'quvchining kundaligidan)



Иккинчи соат. Синфда дийдираб ўтирибмиз. Эгнимизда қалин уст-бош. Кўпчилик ўз ўй-хаёллари билан банд. Дам атрофга жовдираймиз, дам уф тортиб кўямиз. Кимлардир бир чеккада ниманидир муҳокама қилляпти. Айримлар бошини партага қўйган. Биров йўталлади. Яна кимдир эртага иссиқроқ кийиниб келиши кераклигини шеригига айтади. Ора-сира аксириш эшитилади.

Биз, юқори синфда ўқийдиганлар, дарс ўтилмасга ҳам, кичкина болалардек югуриб, шовқин солмайдиган, ўқитувчимиз йўқ пайтда ҳам жим ўтирадиган бўлиб қолганмиз. Бунга шунчаки хушимиз йўқ. Эҳтимол, зах, совуқ парталарда ўтиравериш эришқок бўлгандирмиз. Мактабга кўмир етишмагани боис синфхоналар яхши иситилмайдди. Боз устига, нимқоронғуда китобу дафтарга тикилганимиздан кўзимиз тинади. Негаки, мактабимизда тез-тез чиқок ўчади.

Боя география ўқитувчимиз келди-ю, қандайдир топшириқларни бериб чиқиб кетди.

Қўлимда дарслик. Уни эринибгина варақлайман. "Ла-Манш бўғози", "Форс кўрфазини", "Беринг кўлтиги" деган жумлалар кўз олдимдан липиллаб ўтади. Шунда "бўғоз", "кўрфаз", "кўлтик" — булар ўзи нима, дея ўйланади қолдим. Китобдаги ҳар хил қоидою таърифлардан ҳеч нарсани тушунмадим. Муаллимдан сўрашнинг эса имкони йўқ. Дарс жадвалида география ҳафтада атиги икки марта ўтирилиши кўрсатилган-у, лекин шу ҳам тузук-қуруқ ўтилмайди. Қачон қараман, муаллимимизнинг бир ши чикиб қолади: гоҳ курсдош дугоналари ўтиришга чақиршади, гоҳ институтда ўқийдиган боласининг контракт пулини банкка тўлашга кетади, гоҳ мактабда қандайдир тадбирга тайёргарлик бош-

ланади, гоҳ аллақандай комиссия текширишга келадиган бўлади... Бу гал ҳам шунга ўхшаш бир вақт топилди.

Ўтган ҳафта Африка харитасини чизиш уйга вазифа қилиб топширилганди. Шундан сўнг катта қоғоз олиб, унга иштиёқ билан "Қора қитъа" суратини солдим. Бўёқларни қандай маҳорат билан ишлатганимни кўрсангиз эди... Шу тариха юрак шаклини эслатувчи қитъа харитасини чизиш бўлдим. Энди уни галдаги дарсда ўқитувчимизга кўрсатиб, мақтов эшитиш қолганди. Галдаги дарс, яъни хозирги дарс эса, кўриб турганингиздек, ўтилмади...

Қачон дарс ўтасиз, домлажон?..

Учинчи соат. Она тили ўқитувчимизни кутиб ўтирибмиз. Аммо негадир ундан дарак йўқ. Яна ўша дийдираш, ўй-хаёллар, мудроқ, ора-сира эшитилиб турган йўталуф тортишлар... Кўнғироқ чалинганидан ўн минутлар ўтган, синфга меҳнат муаллимимиз кириб келди. У ўриндиққа ястаниб ўтирди-да, жиддий қиёфада бизга қараб, шундай деди:

— Она тили ўқитувчингиз ўқувчиларини "Билимлар беллашуви"га тайёрлаши керак экан. Бугунча дарсни мен ўтаман.

— Утган мавзу "Грамматик воситалар" эди, — дея чақонгина қўл кўтарди аълочи қизлардан бири. — Майлими, мен гапирсам?

— Хў-ўш, қани айт-чи, ўша "грамматик" деганинг нима экан? — деди шунда

меҳнат муаллими эринибгина.

— Грамматика бу — юнонча сўз бўлиб...

— Баракалла, ўтир, баҳонг "беш".

Шундан сўнг уч-тўрт ўқувчи доскага чиқиб, нималарнидир эзишди. Улар ҳам аъло баҳо олишди. Бир муддат ўтган, кимдандир шеърый айтишув қилиш таклифи чиқди. Беш-олти ўқувчи чугурлашиб, шеър ўқиди. Бояги ўқитувчи эса бунга деярли эътибор ҳам бермай, қўл телефониға тез-тез қараб кўяр, кўнғироқ чалинишини кўтарди.

Ўзим эса дам-бадам она тили дафтаримга разам соламан. Олдинги дарсда 243-машқи бажариш, "Она табиатни асранг!" мавзусида иншо эзиш уйга топшириқ қилиб берилганди. Кечқурун соат ўн бир яримгача ухламай, шу вазифаларни бажарибман-а! Кеч этганим учунми, бугун бошим сал оғриб турибди. Шу боисми, машқим ҳам бироз паст. Аммо кўз нурунгни бериб, ёзган нарсаларингни биров ўқима, хатто сўрамаса, ёмон алам қиларкан. Мана бу муаллимдан ўпқалашнинг эса ҳожати йўқ. Ундан арра, тешаю станокни сўранг.

Шу тариха қирқ минутни ҳам амал-тақал қилиб ўтказдик. Дарс тугашига беш дақиқача бор. Қорнимиз очган. Ўзи мутахассис бўлмаган фандан дарсга кирган ҳалиги ўқитувчи кетиш тараддулда. Ўқувчилар ҳам гимирлаб қолишди. Ниҳоят, кўнғироқ чалинди. Катта танафус.

Тўртинчи соат. Ўқувчиларнинг ярми синфда қолди. Мен эса қолганларга қўшилиб информатика кабинетига кирдим. Синфимиздан ҳам совуқроқ ва қоронғироқ хона. Икки томонда — компьютерлар. Ярим йилдан ошдики, уларнинг уч-тўрттаси бузилганича турибди. Биз, ўн беш-ўн олти чоғли ўғил-қиз, стулларга ўтирдик. Информатика ўқитувчимиз шу заҳоти "Ҳеч нарсага тегманлар, булар катта пулга келган-а,....Хў сен, палончи, процессордан ол қўлингни", деди.

Чироқ ўчганлиги учун бугун компьютерда ишлаш олмаслигимиз аниқ эди. Шу боис ўқитувчи қўлини партага тираган қўйи эълон қилди:

— Болалар, ҳозирча, такрорлаш дарсини ўтамиз... Китобларингни очиб, "Нортон командер" мавзусини топинглар...

Биз нимқоронғида дарсликни варақлаймиз. Ўша эски мавзусини топамиз. Айрим болалар ўзларига маълум келганидан китобларини ёлгондан очиб қўйишди.

— Демак, хозирча, шу мавзунини ўқиб, такрорлаб турасизлар, ҳозирча, мен беш минутда келаман... — деди муаллим ва чиқиб кетди.

Ўқиш қаёқда?! Жунжикиб, ғираширада тимирскиланиб, китобга қараш кимга ёқарди?! Болаларнинг айримлари ўчиқ компьютерларнинг клавиатураларини босиб, ўзларича пианино чалишган бўлди. Яна кимлардир компьютер турган столларга бошларини қўйиб, мизғий бошлашди. Қизлардан бири танафус пайтида бошқа синфдаги дугонасидан "Орифлейн" каталогини олган экан. Беш-олти қиз дераза олдига бориб, ундаги атиру шампунларни, яна алланималарни томоша қилишди. Ўзларига уларни қай бири ёққан-ёқмаганини муҳокама қилишди.

Информатика ўқитувчимиз айтган беш минут аллақачон ўтиб кетди. Аммо унинг ўзи ҳали келгани йўқ. Келиб ҳам нима қиларди?! Компьютерсиз нимани ўтарди?!

Кўнғироқ чалинишидан сал аввал муаллима кириб келди. У шоша-пиша "Ундан кейинги мавзунини ўқиб, конспект қилиб келинглар" деди-да, стол устидаги китоб-дафтарларини йиғиштиришга тушди. Биз ҳам у-бу нарсамизни олдиқ-да, хонадан бирин-кетин чиқдик.

Бешинчи соат. Ниҳоят, охириги дарсга ҳам етдик. Жисмоний маданият. Апил-тапил спорт залига кириб бордик. Бошқа синфда ўқийдиган беш-олти бола кўршовида барваста бир одам журнал тўлдирляпти. Физкультура ўқитувчимиз шу киши бўлади. Кўнғироқ чалинди. Бу орада кўпчилигимиз спорт кийимларини кийдик. Лекин муаллимимиз ҳадеганда ёзув-чизувни тугатай демайди. Сўнг ишини якунлаб, ҳалиги болаларга баҳо берди-да, бизга юзланди:

— Қани сафга тизилларинг... Фалончи "Б" синфи... Синфком, бугун дарсда кимлар йўқ?

— Уч киши йўқ. Фалончилар касал бўлипти. Фалончикида эса хатим экан...

— Хўп, майли... Фалончи, пистончилар, нега спорт кийими киймагансанлар?

Уч-тўрт синфдошимизнинг бундай кийими йўқ эди. Улар бир нималар деб, ваз кўрсатишгач, жисмоний маданият ўқитувчимизнинг кўнгли юмшади, шекилли: "Бўпти, бу сафар кечираман. Лекин келаси гал аҳвол яна шундай бўлса, сенларни дарсга қўйманман!" деди.

Шу пайт муаллимнинг қўл телефони жиринглаб қолди. "Алло, қалайсан, ...ха, ха, майли, ҳозир бораман".

Ўқитувчи телефонда кимгадир шундай дегач, бизга юзланди:

— Болалар, бугун баскетбол ўйнайсизлар. Мана, тўп... Срочний ишим чиқиб қолди. Бормасам бўлмайди. Залдан чиқиб кетманлар, хўпми.

У синф журналимизга шоша-пиша нималарнидир ёзди-да, чиқди-кетди. Биз, ўғил болалар, дами чиқиб кетган тўпни олиб, баскетбол ўйнашга киришдик. Саватчаларнинг тўри йўқлиги, залнинг нариги томондан чакка ўтаётгани билан ҳам ишимиз йўқ. Қизлар эса бир ерга гўж бўлиб, талашиб-тортишиб, "Орифлейн" томоша қила бошлашди. Шу тахлит охириги дарс ҳам якунланди. Қачон дарс ўтасиз, домлажонлар?

Кундаликни
Рустам ИБРАГИМОВ
оққа кўчирди.

«INDAMSLAR OLAMIN SAYR AYLADIM...»

«Чигатоё» қабристони. Ҳашаматли девор. Темир панжарали эшик. Оҳишта ичкариладим. Худди рассом қоғозга муҳрлагандек, қалин арчали йўлак бўйлаб одимладим. Зинадан тушаверишдаги ўриндикқа чўккалаб, ўтганлар ҳақиқига дуо қилдим. Сўнг қабристон ораладим.

Ҳайбатли қабр тошлари. Уларга қараган сари кишини аллақандай ҳис-туйғулар чулғаб олади. Унсиз салобат босади. Бир дам бу дунё ишларини унутгандек бўлади. Дўппайиб қолган янги қабрлар устига ўрнатилган қабр тошларига кўзим тушди. Беш кўнлик дунё деганлиб кетаверади. Ёшми-қарими, амал-дорми, бошқами барча оёқ остига — мана шу қора тупроққа кўмилади.

ШОҲУ ГАДО БИРДЕКМИ?

Инсон меҳр-оқибат кули. У зок кўришмаган одамларини соғиниб, кўмсаб яшайди. Бу соғинчининг тафтини босиш учун уларни йўқлаб туради. У дунёдан ўтиб кетган ота-оналари, устозлари, яқинлари, қариндош-уруғларини ҳам соғинади. Шунинг учун уларни зиёрат қилиш жоиз амаллардан ҳисобланади. Диний китобларимизда қабр ердан бир қарич миқдоридан кўтарилиб, бир текисда бўлиши айtilган. Чунки бу текислик қабрда шох ҳам, гадо ҳам бирдек эканлигига ишоради.

ОБОД ҚИЛЯПМИЗМИ? ЁКИ...

Бироқ кейинги пайтларда қабр устига турли ҳашаматли тошлар ўрнатиш, нақшлар билан безаш, манзарали ва мевали дарахтлар экиш урфга айланди. Биз бу билан қабристонни «обод» қиляпмизми? Ёки ҳашаматли қабр тошлар, ҳайкаллар ўрнатиш, зиёратчиларга, қабристон аҳлига қимлигимизни, кимнинг авлоди эканимизни исботламоқчи бўляпмизми? Бойлигимизни шу йўл билан кўз-кўз этаяпмизми? Айтинг, бундан кимга нима наф? Мангу кетган одамга бу каби «меҳр»нинг нима кераги бор? Аслида, яқинларимиз қабрини мана шундай дабдала қилиб, исрофгарчиликка йўл қўймаймизми? Чунки бу пулни беҳуда исроф қилиш саналади-ку, ахир. Қолаверса, қимматбаҳо ва ноёб дарахт ҳамда ўсимликлар инсонлар хордик



чиқарадиган оромгоҳ ва хиёбонларга ярашади. Қабристонларни оромгоҳ ва сайлоқлардек ҳолатга келтириб қўйиш керак эмас. Акс ҳолда, зиёратга келган инсонларни кўзланган мақсадидан чалғитиб қўяди. (Худди мен Чигатоё қабристонига бориб, асл мақсадим ёдимдан кўтарилиб, гўёки, ҳайкаллар галереясига тушиб қолганимдек.)

АСЛ МАҚСАД НИМА?

Қачонлардир шаҳар ва қишлоқлардаги девори пахса, томи лойсувоқ уйлар бир хил бўлган замонларда қабристонлар ҳам, ундаги қабрлар ҳам шаҳар ва қишлоқларда бир хил бўлган. Аммо замон тараққий этгани, шаҳар ва қишлоқлардаги шароит ўзгаргани сари қабристонларнинг ҳамда улардаги қабрларнинг ҳам кўринишларида фарқлар олиб бораверди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадиси шарифларида шундай марҳамат қилдилар: «Мўмин одамнинг қабрига шамолнинг эсмоғи ва ёмғирнинг ёғмоғи гуноҳига каффоратдир».

Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг эмиқдош биродарлари Усмон ибн Мазъун вафот этди. Усмон дафн этилган, Пайғамбар алайҳиссалом унинг қабрига сув сепишни буюрдилар. Тупроқ уюми чўккач, устига тош қўйдилар ва қариндошимнинг қабрини шу тошдан топиб оламан, оиламда ким қазо қилса, шу ерга қўйдираман, дедилар. Қабрларга тош қўйишдан мақсад шу эди, аслида.

ИЛЛАТЛАР ОРТИМИЗДАН ҚУВМАСИН!

Қабр ичи ва ташқарисини қимматбаҳо нарсалар билан безаш жоиз эмаслиги дин уламолари томонидан кўп бора таъкидланган. Ҳатто лаҳад оғзини пишган гишт билан ёпиш ҳам маъқул эмас. Шунинг учун одатда хом гишт ишлатилади. Сабаби, пишган гиштга майитдан кўра тириклар муҳтождир. Баъзилар қабрларни безатиш учун маблағини беҳуда совуради. Худди мраммер қўйдиргани билан марҳумлар мамнун бўлиб қоладигандек. Аслида, Қуръон тиловати ва бошқа эзгу амаллар савоби майит учун кифоя. Қабр устидаги ҳар қандай зебу зийнатларнинг марҳумга сариқ чақалик фойдаси йўқ. Буларни қўриб, шухратпарастлик, мақтанчоқлик, худбинлик, лаганбардорлик, таъма каби одамни ўзлигидан айирадиган иллатларнинг қабристонларгача кириб борганидан уялиб кетасан, киши. Гўё, инсоннинг бу дунёдаги сўнги манзилида ҳам шон-шухрат, лавозим, такаббурилик ва эҳтиром бир зум унутилмагандек. Уни охирагача ҳам олиб кетмоқчи бўлгану,

қора тупроқ тўхтаб қолгандек. Кимлигини, одамларга қилган яхшилик, хайрли ишларини кўз-кўз қилиб, «мен ўша» деб таъна қилаётгандек. Хўш, буни қандай тушуноқ керак? Қандай англаб етмоқ керак?

КИМ ХОРУ, КИМ МЎЪТАБАР?

Қабристонлар, аввало, улар жойлашган худудга масъул бўлган мутасаддилар томонидан кўз-кўз муҳофаза қилиниши керак. Яъни, қабристон худудини панжара ёки девор билан ўраш, унга кириш учун алоҳида йўлак очиб ва дарвоза ўрнатиш, чорва ёки ёввойи ҳайвонларнинг киришидан сақлаш, зиёратга келганлар қабрларни босмай ўтишлари учун қулай йўлқалар ўтказиш, тиловат ва дуо қилиш учун махсус ўриндиқлар ўрнатиш, ножиоз, хурофий амалларни қилишларидан қайтариб туриш ва ҳоказолар қабристон масъулларининг вазифаси саналади.

Ана шундай ҳаёллар оғушида қабристонни кезиб чиқаман. Рўпарада тақур-туқур қилиб усталар ишляпти. Қурилиш материалларини қўриб, қабристонда ободонлаштириш ишлари олиб борилаётган бўлса керак, деб ўйладим. Йўқ-йўқ, адашибман. Қурилиш материаллари қимларингдир қабрини ҳашаматли қилиб қўйиш учун келтирилган экан. Усталар ҳам ҳашаматли қабррош ўрнатиш билан овора. Эҳ, одамлар, «Икки эшик» орасидаги асл ободлик хайру саховат ва эзгу ишларда эканини наҳотки англамаган бўлсангиз?...

Баҳринос МАДУМАРОВА,
журналист

О'Z-O'ZIMIZGA O'GAY TILIMIZ...

савдо дўконларидан бирида нархнома-лар ўзбек тилида ёзилмагани ҳақида ҳақли эътироз билдирилган. Мижозларининг асосий қисми давлат тилида сўзлашувчи аҳолидан иборат бўлган ушбу савдо мажмуаларида ўзбек тилида ҳам нархномалар бўлиши кераклигини талаб қилинган. Тадбиркор журналистнинг асосли талабини қондириш, бошқаларга ибрат кўрсатиш ўрнига, номақбул сўзлар билан унинг иззат-нафсига тегар даражага етди. Буни қўя туринг, ушбу мақолага қарши ўлароқ ёзилган изоҳларни ўқиб ўз-ўзинга ачиниб кетасан, киши: «ШУ АРЗИМАГАН муаммони кўтариб чиқиш шартми», деяпти бир изоҳ муаллифи. «Уша журналист ҳам супермаркет очсин-да, хоҳлаган тилида ёзсин», дейди иккинчиси. «Рус тилини ўрганолмай қолиб кетгандир-да, кўп тилларни билишининг нимаси ёмон», дейди учинчиси. Хуллас, муҳокама қизигандан-қизиди. Ижтимоий тармоқда омма гўёки иккига

бўлинди-ю, бир томон журналистни, иккинчи томон тадбиркорни ёқлай бошлади. Қувонарли жиҳати, юртдошларимиз орасида давлат тилига ҳурматни талаб қиладиганлар кўпчиликини ташкил этиши маълум бўлди. Ачинарлиси эса бу талабга мутасаддилар томонидан эътибор қаратилмади. Давлат тили тўғрисидаги қонунга ўзгартириш киритиш мuddати етди, дейишга ҳеч ким журъат қилолмади. Она тилимиз шунчаки фикрларни ифодалаш воситаси эмас, балки халқимизнинг шону шавкати, ғурури, ифтихори, энг муҳими, давлат рамзи экани, уни менсимасликка ҳеч кимнинг ҳақиқий йўқлиги ҳақида огоҳлантириб, тадбиркорнинг «қулгоидан қўзиб қўядиган» жонфидо топилмади.

Дарвоқе, миллий рамзлар тўғрисида. Нега биз мамлакат байроғини бошимиз узра бандан кўтарамиз? Давлат тамғасини кўксимизга, нишонларимизга қадаб, кўзимизга суртамиз.

Йирик учрашувларда, жаҳон ареналарида қўлимизни кўксимизга қўйганча мадҳияни куйлаймиз-у, яна бир миллий рамзимиз саналган давлат тилини бу ҳурмату эъозларнинг баридан мосуво этамиз. Нега? Давлат тили йўғайми бизга? Бирини-бирдан ажратмай эҳтиром кўрсатилиши керак эмасми?

Наҳотки, жонимиздан, қонимиздан, буюк ўтмишимиз, тарихимиздан яралган муқаддас тилни ўз кўлимиз билан индамай жарга итқитсак? Буюк Навоийнинг қарғишига қолишдан қўрмаймизми? Қачонгача давлат тилига ҳурматсизликни «бағрикентлик» сўзига маънодош қилиб кўрсатаверамиз. Қачон ўз-ўзимизни ҳурмат қилишни бошлаймиз?

Агар боболардан мерос она тилимизнинг биз учун заррача ҳурмати бўлса, чин вижон билан унинг тақдирини ҳақида чуқурроқ фикр юритиш вақти келди. Келажак авлодларимизга қандай мерос қолдираётганимиз ҳақида уйлаб кўрайлик, азизлар!

Дилдора ИБРОҲИМОВА,
«Бухоронома» муҳбири.

“ТАНЛИКАЛИ” ТО‘QNASHUV

Ёввойи ўрдаклар гоят сезгир ва эҳтиёткорлиги билан бошқа кўчманчи қушлардан фарқ қилади. Гала ҳосил қилиб ҳавога кўтарилишганида қанотларини тез ва қаттиқ қоқиб, дўст ва душманларини яхши ажратади. Чунки ҳаёт шуни тақозо этади. Улар тўдаси озикланаётганида бир нечаси пойлоқчилик қилиб атрофни кузатиб туришади.

Хавф-хатар туғилгудек бўлса “айгоқчилари” биринчилардан бўлиб қаттиқ ғағағлаб ҳавога кўтарилишади. Кейин бошқалари ҳам гурр этиб учиб кетишади. Қанотларини қоққанида “вит-вит”лаб янгроқ товуш чиқаради. Ҳатто учиб бораётганини кўрмасдан туриб ҳам уларнинг ёввойи ўрдаклар эканини билса бўлади. Кўпинча ёввойи ўрдаклар парвоз чоғини овоз чиқариб, сал-пал ға-ғалаб кўяди. Қанотлардан йўл-йўл оқ чизикчалари кўзга яққол ташланади.

Ёввойи ўрдаклар эрта баҳорда кўл, дарё ва ҳавза бўйларига учиб келган заҳоти учурига киришиб, қуруқ тепалик, сув қирғоқлари ёки эски қамиш уюмларини танлайдилар. Хас-чўплардан иборат уя ичига момиқ парларини олиб тўшама ясайди ва ун иккитагача тухум кўяди. Вақт ўтиши билан оч-яшил

тусдаги тухумлардан чиққан жўжаларга она бўлади. Тезда уларни сув юзасига тушириб озиқ топишга ундайди. Жажжи полапонларнинг сув бўйида уялаганлари учун емиш топиши ва ҳимояланиши осонроқ бўлади. Кичинтойлар сувда сузиб жигилдонларини мазали овқатга тўлдириб, тинч ва осойишта ҳаёт кечири бошлайдилар. Лекин кўлда қанчалик лаззатли овқат серроб бўлмасин эҳтиёткорлик ва ҳушёрлик ҳам талаб этилади. Шунинг учун она ўрдак вақти-вақти билан қамишзор четига келиб атрофни кузатишни қанда қилмайди. Кўнгли жойига тушганидагина болаларини кўлнинг очик жойларига бошлаб боради. Шунда жажжи ўрдакчалар занжирдек тизилишиб, парда

Кутилмаганда бир кун қаттиқ қийқирик эшитилиб, тепадан бир нечта чорлоқ (чайка) пайдо бўлади. Улар ғагиллаганча ўрдак болалари устида гир айланаб бу ердан узоқлашмасди. Босқинчилар дам юқорига кўтарилишар, дам тик пастга отилиб сув юзасига яқинлашганча ўрдакчаларни тутишни мўлжаллаб парвоз қилишарди.

билан қопланган панжали оёқларини чаққон ҳаракатга келтириб она ўрдак ортидан эргашидилар.

Кутилмаганда бир кун қаттиқ қийқирик эшитилиб, тепадан бир нечта чорлоқ (чайка) пайдо бўлади. Улар ғагиллаганча ўрдак болалари устида гир айланаб бу ердан узоқлашмасди. Босқинчилар дам юқорига кўтарилишар, дам тик пастга отилиб сув юзасига яқинлашганча ўрдакчаларни тутишни мўлжаллаб парвоз қилишарди.

Таҳликали “тўқнашув” анча вақтгача давом этади. Она ўрдак ҳар гал зўр бериб ғагиллаб сувдан кўтарилиб чиққанида тумшук ва қанотлари билан зарб бериб босқинчилар ҳужумини қайтаришга уринарди. Лекин кучлар тенг эмасди.

Она ўрдак бир муддат до-вдираб қолади. Боз устига кўрққанидан гўж бўлиб турган болаларининг тарқалиб, нари кетиб қолмаслигига ҳам кўз-қулоқ бўлмоғи керак эди.

Бахтта қарши она ўрдак яна бир бор кўтарилиб, ҳужумга ўтаётган босқинчиларнинг бирига қарши ташланган заҳоти бошқалари тўп бўлиб турган жўжалар ўртасига тушиб бир нечта ўлжасини олиб қочишга улгуришди. Бундай нохушликлардан сўнг жўжалар ҳар томонга тарқаб кетишди. Бу эса “жанг” оқибатини ҳал қилиб берди. Она ўрдак босқинчиларнинг дам бирига, дам бошқаларига беҳуда ташланарди. У болаларини тўплаш учун беҳуда уринар, дам қанот қоқиб юқорига кўтарилар, дам сувда сузиб гир айланарди.

Шу орада махсус кийимдаги сергак нозир қўшотар милтиғи оғзини осмонга қадаб кетма-кет ўқ узади. Қулоқни қоматга келтирувчи гумбурлаган овоздан сўнг қамишзор ичидан тутун кўтарилади. Шунда ҳаводаги босқинчилар ваҳимага тушиб кўлдан узоқлашадилар. Бироздан сўнг она ўрдак қолган жўжаларини тўплаб, жон сақлаш учун беҳавотир бўлган чангалзор томон бошлаб кетади.

Кунлар, ҳафталар ўтган сайин ўрдак болаларининг қанотлари ўсиб, бақувватлашиб борди. Энди кичик оила жамулжам. Кўлнинг очик жойларида ҳам беҳавотир сайр қилиб, мустақил яшай бошлашади.

Нилуфар СИРОЖОВА,
Ғаллазор туманидаги
45-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси.

MEN O‘QITUVCHIMAN!

Биз ҳозир гаройиб даврда яшаймиз, атрофимиздаги олам жуда тез ўзгариб бормоқда. Шундай экан ўсиб келаётган авлод билан шуғулланаётган ўқитувчининг ҳам ўз олдига қўйган талаблари бор. Виртуал оламда улғаяётган замоннинг болаларини билимга қизиқтира оладиган даражада устоз бўлишни истардим.

Менинг “жажжи” фахрларим

Албатта, ҳар бир касб эгасининг ўз шогирди, фахри бўлади. Ҳозирда менинг ўқувчиларим ҳам олий даргоҳларда таҳсил олмақда. Бу йил ҳисобидан 30 дан ортик ўқувчиларимиз Тошкент давлат юридик университети, Тошкент давлат Шарқшунослик институти, Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёт университетларида талабалик мақомига эришишди. Уларнинг орасида “Сизга ўхшаган ўқитувчи бўламан” дея ниёт қилган ўқувчиларим ҳам бор. Мен улар билан фахрланаман, мендан ҳам тажрибали ўқитувчи бўлишларини истайман.

Метод

Ўқитувчининг нутки қанчалик таъсирчан бўлса, ўқувчилар унинг ҳар бир сўзини мароқ билан эшитади. Айтмоқчиманки, болани жалб қилиш асосан, нутқ маҳоратига боғлиқ. Бошланғич синфларга дарс ўтиш жараёнида дона-дона, ҳижжалаб ва ролга кириб дарс ўтаман. Ўқувчилар oilavajamiyat@mail.ru



диққатини қочирмаган ҳолда фикр алмашиб тураман. Юқори синфларга дарс вақтида эса кўпроқ ҳаётий мисоллар билан гапириб, уларнинг дарсга қизиқишини оширишга ҳаракат қиламан.

Ҳурмат ёки кўркүв

Баъзида ўқувчиларим дарвоза олдида кучоқ очиб кутиб олишса, ичимдан ажойиб ҳислар ўтади. Улар мени, мен яхши кўрганимдек яхши кўришар экан дея қувонаман. Яқинда бошланғич синфдан бир ўқувчимни мендан кўрқизи

ҳақида эшитиб қолдим. Бир жойда ўтириб узоқ ўйладим, нима қилдимки бола мендан кўрқяпти?! Бирор марта овозимни баландлатмаган бўлсам (тан оламан уйга вазифа борасида қаттиқ талаб қиламан). Ўқувчи ўқитувчидан нима учун кўрқизи мумкин? Психологларнинг айтишига қараганда, бу кўркүвнинг асосида ожизлик туради, яъни ўша ўқувчининг ўзлаштириши қолганларниқидан пастроқ. Бундай вақтларда болада ёмон баҳодан кўрқиб ҳисси юқорилик қилади, ана шунда у ўша фан ўқитувчисидан ҳам чўчий бошлайди. Устоздан эмас аслида у қўядиган паст баҳодан кўрқади. Яна шундай ўқувчилар бўладики, кўрқиб билан ҳурмат қилиш ҳиссини ажрата олишмайди. Бир бола ўқитувчисидан кўрқизишни айтганда, мен “нима учун кўрқасан, урадимки ёки қаттиқ гапирдимми?” дея савол берганим. Йўқ, бола ўқитувчисини яхши кўришини, яхши дарс ўтишини мақтай кетди, кўркүв сабабини эса изоҳлай олмади. Ўқитувчи дарсларни ўз вақтида маромига етказиб ўтади ва боладан шундай натижа талаб қилади. Бундай вақтларда бола ўша талаблардан кўрқади, аслида эса ўқитувчисини ҳурмат қилишини, яхши кўришини тан олади.

Билим ҳам, тарбия ҳам устоз зиммасида

Ўз фикр-мулоҳазаларимни айтиб ўтар эканман, шуни ҳам таъкидлашни лозим топдим. Бугунги ота-оналар фарзандига

Menga so‘z bering!

дарс тайёрлатиш учун вақт топишма-япти (баъзилари). Шундай ота-оналар борки, болаларига дарс тайёрлатадиган ўқитувчи ёллайди. Ҳа, бу яхши албатта, умуман эътибор бермагандан кўра ўқитувчи топиб берибди-ку, дерсиз. Бола куннинг бир қисмининг мактабда ўқитувчилар билан ўтказиши, шу билан бирга куннинг қолган қисмида ҳам ўқитувчи тарбиясини олади. Ўқитувчига бўлган талаб икки баробар катталаниб бормоқда. Бундай ҳолларда ўқувчининг устоздан бешиш ҳолатлари ҳам кузатилади, фақат ўқитувчидан тарбия олаётган болада онага бўлган ҳурмат, меҳр туйғулари тўғри шаклланишига ким ҳам қаролат беради.

Бу ҳаётда ҳар кимнинг ўз роли бор дея ўқувчиларимга сабоқ берар эканман, бир муддат уйга толаман, ҳамма ҳам ўз вазифасини тўлиқ адо этяптими? Бир кун бўлмаса бир кун келиб ўқувчиларимнинг менга шундай савол бериб қолишларидан чўчийман.

Ирода ИРИСҚУЛОВА,
Филология фанларига ихтисослашган 90-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

ЭЪЛОН

Шарипов Руслан Равиловичга тегишли Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Боғишамол 3-тор кўчаси 47-уйнинг кадастр ҳужжати ва уй дафтари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

GO'SHT QANDAY HOLATDA YAROQLI HISOBLANADI?



Инсоният олдида глобал ечим талаб этайдиган муаммолардан бири – бу инсонлар ва ҳайвонлар ўзаро муносабатда яшаётган муҳитда вужудга келадиган юқумли касалликларнинг олдини олишдир. Бизнинг давлатимизда юқумли касалликларнинг олдини олиш ва унга қарши кураш масалалари Ўзбекистон Давлат Ветеринария Бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Биз ветеринария ходимларининг вазифаси, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, уларнинг истеъмолга яроқлилиги ва уни истеъмол учун сотиб олаётганда нималарга эътибор бериш ҳақида Қибрай туман "Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими" мудир Шербек Қиличев билан суҳбатлашдик:

– **Ветеринария соҳаси ва унинг вазифалари нималардан иборат эканлиги ҳақида маълумот берсангиз.**

– Ўзбекистон Республикаси "Ветеринария тўғрисида"ги қонунда ветеринариянинг асосий вазифаларидан бири – бу аҳолини одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликлардан муҳофаза қилишдир.

Олимларимиздан бири шундай таъкидлаган: "Медицина инсонни даволашади, ветеринария инсониятни асрайди".

Тарихга назар ташласак, инсоният ўлат, чечак, вабо каби турли юқумли хасталиклардан азият чекиб келишган. Жаҳон миқёсида ҳам одамлар ўртасида тарқаладиган юқумли касалликларни кўзга тутишнинг 75 фоизи ҳайвонлардан одамларга юқибди. Жумладан, ҳайвонлар гўшти ва гўшт маҳсулотларини истеъмол қилишда эътиборсизликка, касал ҳайвон гўштини

чала пишириб истеъмол қилиш ёки ҳайвон сўйилаётганда агар касал бўлса, унинг қони жароҳат жойига тушганда ҳам касаллик кўзга тутилган ривожланишига сабаб бўлади. Шу боис истеъмол учун гўшт харид қилаётганда гўшнинг соғлом ёки носоғломлиги, рангига, ҳидига албатта, эътибор бериш лозим.

– **Туман миқёсида соҳада олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталсангиз?**

– Туманимизда чорвачилик бўйича эпизотик профилактика, яъни зооантрапоз касалликларининг олдини олиш ва курашишга қарши (туберкулёз, бруцеллёз) соҳа мутахассисларидан иборат тўртта гуруҳ ташкил қилинган. Улар томонидан туман ҳудудидаги барча чорвачилик ҳўжаликлари ва объектлари ҳамда аҳолининг чорва молларидаги касалликларни аниқлаш учун бруцеллёзга қон намуналари олиниб, "Қибрай туман ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги Давлат маркази" лабораторияларида текширилади. Туберкулёз касаллигига текшириш учун қорамол териси ичига туберкулин специфик аллергени юборилиб, 72 соат ичида реакция натижаси ўқилади. Агарда сил ёки бруцеллёз касаллигига ижобий реакция олинса, бундай қорамол 15 кун ичида тумандаги қўшонада санитар кунда мажбурий равишда сўйилани ва унинг ички аъзолари зарарсизлантирилади. Гўшти эса бир кун совутиқда сақланиб, қайта ишлаш корхоналарига юборилади.

– **Сўнгги йилларда ветеринария соҳасида қандай ислохотлар амалга оширилмоқда?**

– Мустиқликдан сўнг соҳада эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Жумладан, республикамизнинг барча мол бозорлари ва деҳқон бозорларида замонавий ветеринария лаборатори-

ялари ташкил этилгани, улар махсус жиҳозлар ва шарт-шароитлар билан таъминлангани аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, ҳайвонлардан одамларга юқадиган куйдирги, бруцеллёз каби юқумли касалликларнинг олдини олишда ва бартараф этишда муҳим омил бўлди.

Жумладан, қон таҳлилларини текшириш учун бизнинг лабораторияларимизда ҳам давлатимиз томонидан барча имкониятлар яратилган. Музлатгичлар, махсус жиҳозлар, изолятор ва мўътадил ҳарорат ҳамда текширув учун керакли реактивларнинг ўз вақтида етказилиши ишнинг самарали ва сифатли кечишини таъминламоқда.

– **Ҳайвон гўштини сотиб олаётганда унинг истеъмолга яроқлилигини қандай билиш мумкин?**

– Ҳар бир гўшт нимтаси сотувга чиқарилишидан олдин, албатта, ветеринария-санитария экспертиза лабораторияларининг текширувидан ўтказилади. Текширув натижасига кўра, истеъмолга яроқли бўлган ҳайвон гўшти белгиланган тартибда муҳрланади ва гўшт эгасига ветеринария хулосаси берилади. Истеъмолга яроқлиликни тасдиқловчи ушбу ҳужжат истеъмолчилар учун очиқ маълумот бўлиб, гўшт сотувчилари бу ҳужжат билан истеъмолчиларни таништиришга мажбурилик қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ва ушбу маълумотнома хари-

дорга кўринадиган жойга осиб қўйилиши лозим.

Айтиш жоизки, гўшт сотиб олаётганда истеъмолчилар, албатта, гўшнинг ранги ва ҳолатига эътибор беришлари лозим. Соғлом гўшт молнинг турига қараб қизғиш, оч пушти, қўланса хиди бўлмаслиги лозим. Қўй гўштининг ўзига хос хиди бундан мустасно. Янги сўйилган соғлом гўшт бармоқ ботириб кўрилганда, қисқа вақт ичида яна ўз ҳолатига қайтади. Туриб қолган ёки эски гўшнинг ранги бироз тўқлик касб этади ва қўланса хид беради. Бундай гўштни арзонроқ сотиб олиш ёки чала қовуриб, пишириб истеъмол қилиш натижасида ҳайвондан юқадиган касалликларни юқтириб олиш эҳтимоли катта бўлади. Шу боис ҳар қандай гўштни обдан қайнатиб, қовуриб, бўғлаб пишириб, истеъмол қилинса, ҳайвонлардан юқадиган касалликларнинг юқиб хавфи камаяди.

– **Гўшт ва гўшт маҳсулотларининг сотилиши қандай талабларга жавоб бериши керак?**

– Қасос ёки гўшт ва гўшт маҳсулотларининг сотувчиси ветеринария-санитария талабларига асосан гўшт ва гўшт маҳсулотларини сотаётганда махсус қийимда ва тиббий кўриқдан ўтган бўлиши ҳамда савдо жойларини тоза ва озода тутишлари лозим. Сотилишга олиб чиқилган сўйилган гўштни сотилиш мuddати икки кундан ошмаслиги лозим. Агар эртаси кун гўшнинг рангида ўзгариш юз берса, бундай гўшт қайта лаборатория текширувидан ўтказилади.

Марям АХМЕДОВА

Одамларда ҳафтада бир кун балиқ истеъмол қилиш керак, деган тушунча бор. Кўпчилик балиқни хуш кўради. Биз уни кундалик ҳаётда истеъмол қиламиз ва байрам столига қизил, оқ, тузланган ва дудланган турларини тортамыз. Қовурамыз, духовкада пиширамыз ва ҳоказо.

Органлар ва тизимлар учун фойдаси

Балиқ таркиби кўплаб қимматбаҳо витаминлар ва элементларга бой. Ва энг муҳими, у организмимиз учун зарур бўлган тўйинмаган ёғ кислоталари Омега-3 ва Омега-6 ни ўз ичига олади. Шу сабабли у соғлиқ учун фойдалидир.

Балиқдаги фойдали моддалар – атеросклероз хавфини камайтириш ва қон қўқуқлашининг олди-

BALIQ VA UNING FOYDALI XUSUSIYATLARI

ни олиш, юрак қон-томир касалликлари хавфини камайтириш, анемияни даволаш, мия фаолиятини яхшилаш, асаб тизимининг нормал ишлашини таъминлаш билан бирга, қалқонсимон безга ижобий таъсир кўрсатиб, эндокрин тизимни даволайди. Шунингдек, скелет, суюқ ва бўғимларни мустаҳкамлаш хусусиятига эга.

Балиқ асаб тизимини мустаҳкамлайдиган ва инсонни янада фаоллаштирадиган жуда кўп фосфорни ўз ичига олади. Бундан ташқари, йод ва фторга бой. Уларнинг етишмовчилиги туфайли қалқонсимон без ва бутун эндокрин тизим иши бузилади. Шунингдек, балиқ таркибида марганец, цинк, селен, темир, магний, фосфор ва А, D, E, F витаминлари мавжуд.

Қайси бирини танлаш керак: дарё ёки денгиз

Дарёлар, кўллар ва бошқа турли ширин сув

ҳавзаларидаги балиқларда кам оксил мавжуд, соғлиқ учун фойдали бўлган йод ва фторид жуда кам.

Лекин денгиз ва океан балиқлари юқорида санаб ўтилган витаминлар ва микроэлементларга бой. Шунинг учун, дарё ва денгиз балиқларини танлаш зарур.

Қандай танлаш керак?

Фақат янги тутилган балиқ фойдали, бузилгани зарар етказиши мумкин. Шунинг учун балиқ сотиб олаётганда баъзи қондаларни ҳисобга олиш керак. Аввало, янги балиқ боши билан сотилади. Унинг кўзлари шаффоф бўртиб чиққан бўлиши лозим. Агар улар хиралашган бўлса, демак у энди кераклича янги эмас. Бундан ташқари, янги балиқнинг жабралари ёрқин қизил рангда бўлиб, қорни шишмаган бўлади.

Огоҳлантириш: зарар ҳам етказиши мумкин

Баъзида балиқ истеъмол қилиш саломатликка катта зарар етказиши мумкин. Энг хавфли нарса паразитлар (бошқача айтганда куртлар)ни юқтиришдир. Айниқса, улар паразитлар осонгина кўпаядиган туриб қолган, ифлос сув ҳавзаларидан ушланса.

Шунинг учун, чучук сув ҳавзаларидан балиқ истеъмол қилсангиз, бирин-

чи навбатда, уни кесиш пайтида эҳтиёткорлик билан текширинг. Кейин яхшилаб иссиқлик билан ишлов беринг: узоқ вақт давомида димлаб ёки қовуриб пиширинг.

Зарарли бўлган балиқ турлари мавжуд. Масалан, япон балиғи – Фугу. Уни тайёрлашга фақат махсус ўқитилган ошпазларгагина рухсат этилади. Агар балиқ нотўғри пиширилса ёки пишириш технологияси бузилса, уни истеъмол қилган инсон бир неча дақиқадан сўнг ўлиши мумкин. Аммо бундай хавфга қарамадан, японияликлар бу балиқни истеъмол қиладилар. Тўғри, у фақат баъзи ресторонларда тайёрланади ва нархи жуда қиммат туради. Шунинг ҳам унутмаслик кераки, балиқ тез бузиладиган маҳсулот. Шунинг учун, агар сиз уни дарҳол тайёрламангиз, албатта музлатгичда сақланг.

Энг фойдали турлари

Омега-3 ва Омега-6, витаминлар, микроэлементлар ва тўйинмаган ёғли кислоталарни ўз ичига олган балиқ турларини танланг: палтус, семга, лосось, селедка, форель, зубатка, тунец, скумбрия, угорь, сардини. Кам ёғли балиқ турлари ҳам мазали, аммо ёғлиси фойдалироқ.

Жасмин тайёрлади
oilavajamiat@mail.ru



ALLERGIYA BOSHQA KASALLIKNI KELTIRIB CHIQARADIMI?

Куз фасли яқинлашгани сари аллергияга мойил бўлганлар бироз хавотирга туша бошлайди. Чунки куз билан бирга ушбу дард ҳам бошланади. Кузги аллергия ҳақида мухлисларни қизиқтирган саволларга жавоб олиш мақсадида “MEDILUX MEDICAL CENTER” клиникаси врач-аллергологи, олий тифали шифокор, тиббиёт фанлари доктори Васида Алиевага мурожаат қилдик.

Аллергияга мойиллигим бор. Ҳар йили баҳор ва куз ойларида шу даражада азият чекаман. Бироқ нима учундир баҳоргисига қараганда, кузгиси бироз оғирроқ кечади. Баҳорги аллергия билан кузги аллергиянинг фарқи нимада?

Насиба РАҲМАТУЛЛАЕВА, 32 ёш, уй бекаси.

— Кузги аллергия августнинг бошларидан то ноябрнинг охирига қадар давом этадиган жараён. Баҳорги аллергияни дарахлар, ҳайвонлар кўзгатади. Кузги аллергияни эса кўпроқ тоғ ён бағирларида ўсадиган ёввойи, бошоқли ўсимликлар масалан, тулқидум, шувок, эрмон, қичитқи ўт каби ўсимликларнинг учиб юрвучи чанглари келтириб чиқаради.

Ердаги барглар чиримасдан бактериялар ва замбуруғларнинг тез тарқалиши учун яхши шароит яратади. Бундан ташқари, умумий намлик, энг хавфли алергенлардан бири — қора могор ҳам таъсир қилади.

Нафас олиш пайтида замбуруғлар

соғлигининг ёмонлашишига ва натижада алергик хуружларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Иммуитет тизими патогенларга нисбатан кескин реакцияга киришади, аммо у курашиш учун кучга эга эмас. Натижада, ҳар қандай “тақиқланган” маҳсулот — сут, ёнғоқ, цитрус мевалари, олдиндан айтиб бўлмайдиган реакцияга олиб келиши мумкин. Яна шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, айни куз вақтида шикоят билан келадиган беморларнинг кўпчилиги, ҳовлисиди ёки кўп қаватли уйларида атрофида ёқиб юборилган хазон ҳидидан бошлангани ҳақида айтади.

Бир неча ой аввал дугонаман аллергия бошланганда наъминат дамлаб ичишимни тавсия этди. Афсуски, бу дамлама менга акс таъсир қилди. Умуман, бу касалликни халқ таъбаоти йўли билан муолажа қилиш мумкинми?

Моҳина ХУДОЙНАЗАРОВА, 35 ёш, тарбиячи.



ва уларнинг споралари нафас олиш тизимига кириб, у ерда фаол кўпая бошлайди. Улардан қутулиш жуда қийин, чунки уларни оддий воситалар билан чайқаб ювиш мумкин эмас. Бундан ташқари, улар бош оғриги ва алергик реакцияга олиб келадиган кучли токсик моддаларни чиқарадилар. Қора могор пайдо бўлишига олиб келадиган энг жиддий асоратлардан бири бу бронхит астма.

Қолаверса, яхши ювилмаган поллар, уйга осиладиган гиламлар, катта юмшоқ уйинчоқлар чанг манбаи. Нафас олиш пайтида чанг нафақат бурунга, балки ўпкага ҳам кириди, бу ҳам алергик аломатлар, ҳам йўталишга сабаб бўлади.

Куз — бу иммунитетнинг табиий пасайиш даври. Ёмғир ёғиши, куннинг қисқариши, совуқ — буларнинг барчаси

— Дарҳақиқат, бу ҳақда кўпчилик билмайди. Сиз қўллаган усуллар аллергияни янада кўзгатади. Чунки наъминат туқли ўсимлик. Уни аллергия ҳолатларида мутлақо ичиш мумкин эмас. Алергияси бор инсонлар туқли мевалар, уй ҳайвонлари, ҳидлардан эҳтиёт бўлишлари лозим.

Тўғри, касалликни енгишда халқ таъбаоти яхши ёрдам беради. Бироқ инсон ўзида нималарга алергияси борлигини аниқлаб, кейин халқ таъбаоти мурожаат қилгани яхши. Кейин аллергия кўзгоччи мато ва буюмлардан фойдаланмаслик, парҳез орқали аллергияни енгиш мумкин. Ораминда шифокорнинг тавсиясисиз ҳам дори воситаларини билли-билмай ичадиганлар ҳам йўқ эмас. Шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай дори воситаси потенциал алерген



бўлиши мумкин. Ҳар бир одам ўзида алергия аломатларини сезиши ҳамон, муқтақил равишда даво чораларини қўлламастан, алергологга мурожаат этиши зарур. Фақат унинг кўрсатмаси билангина даволаниши, қўшимча даво чораларини қўллаш лозим.

“Болалигимдан гулларнинг чангига алергиям бор. Яқинда турмушга чиқдим. Ҳозир ҳомиладорликнинг илк босқичлари сезилмоқда. Бундай ҳолатда касаллик авж олиб кетмасмикан, деган хавотирдаман. Бу касалликнинг ҳомилага таъсири бўлмайди?”

Зарина АЛИМОВА, 23 ёш.

— Аввало, ҳомиладор аёл ўз саломатлигига эҳтиборли бўлиши лозим. Бу даврда ортиқча дори-дармон истеъмол қилмаслик, косметик ва маиший кимё воситаларидан иложи борича фойдаланмаслик, фақат табиий матолардан либослар кийиш, тоза ҳавода юриш ва тўғри овқатланиш муҳим. Зеро, алергия — организмнинг кучли ҳимоя реакцияси бўлиб, бунда иммун тизими ташқи таъсирлар у ёқда қолиб инсоннинг ўз тўқималарини зарарлай бошлайди. Шу сабабли танамизни зарарли ташқи таъсирлардан ҳимояласак, иммун тизими ҳам издан чиқмай, ўз вазифасини тўғри ва аниқ бажара олади. Онанинг ҳомиладорлиги пайтида бўладиган алергия ҳақида гапирадиган бўлсак, бу организмда гормонал ўзгаришлар натижасида юзага келади. Шунинг учун тўғри келган дорини ичмасдан дарҳол алерголог тавсияси билан муолажа олиш, парҳез тутиш ва болада алергия бўлмаслигининг олдини олиш лозим бўлади. Аёллар ҳомиладорлик пайтида тез-тез шифокор кўригидан ўтиб туриши лозим. Бу даврда улар аллергия кўзгоччи таомларни — аччиқ овқатлар, цитрус мевалар, газланган ичимликларни истеъмол қилмаслиги зарур. Алергияси бор ҳомиладор аёллар то туққунига қадар гинеколог билан бирга алерголог кўригидан ҳам ўтиб туриши шарт. Алергияга қарши ҳар қандай дори қабул қилишдан аввал алерголог ҳамда гинеколог билан маслаҳатлашиш лозим. Бунда доридан олинадиган фойда ҳомилага зарар келтиришдан устунроқ эканлиги инобатга олинши зарур. Чунки ҳар қандай антигистамин дори ҳомилага таъсир қилиши мумкин.

Она сундан ҳам болага алергия касалликлари ўтиши мумкинми?

Ҳилола ҚОСИМОВА, 30 ёш, уй бекаси.

— Албатта, масалан: бирор она-

нинг тухумга алергияси бўлса-ю, болани эмизса, у гўдакка ўтади. Бироқ гўдакнинг она сундан маҳрум этилиб, сунъий озукага ўтказилишини тавсия қилмаймиз. Чунки она сунти бебаҳо неъмат. Бола эмадиган даврида онаси аллергия кўзгатувчи нарсалар еб қўйса, боланинг бадани қизариб, майда қизил тошмалар тошади. Мана шундай дерматит билан касалланган ва алергологнинг муолажасисиз, кўмагисиз, ўз-ўзидан яхши бўлиб кетган болалар 5-6 яшарлигида ёки ўсмир пайтида нафас йўлида алергия билан касалланиш эҳтимоли баланд бўлади. Она ва боланинг тартибсиз овқатланиши, сунъий сунти аралашмаларнинг истеъмол қилиши ҳам алергик ҳолатни юзага келтириши мумкин экан. Шунингдек, кўрак сунти берилмай, сунъий овқатлар билан боқиладиган болаларда турли алергик касалликлар кўпроқ учрайди, шунинг учун гўдакларни эмизиб боқишга катта аҳамият бериш лозим.

Аллергия бошқа касалликларни келтириб чиқариши мумкинми?

Шерзод АБДУЛЛАЕВ, 45 ёш ҳайдовчи.

— Алергик касалликларни ташқисини қўйиш жуда мураккаб. Бу касалликнинг белгилари бошқа касалликларга ўхшаганлиги учун аниқ ташхис қўйиш қийин кечади. Агар ушбу хасталикка эйтиборсизлик билан қаралса, у янада чуқурлашиб кетади. Оддий мисол, бурундан бошланган ренитни даволамаслик оқибатида у лорингит, бронхит ва кейин бронхитга астмага айланиши мумкин. Ёки тери алергияси — дерматитни олайлик. Эйтиборсизликдан эритродермия касаллиги пайдо бўлади. Шунинг учун алергияга хос бўлган белгилари сезганда, дарҳол мутахассисга мурожаат қилган маъқул. Шифокор кўрсатмаларига риоя қилиш, буюрилган муолажаларни ўз вақтида қабул қилиш касалликни енгишга, ундан батамом қутулишга ёрдам беради. Алергия организмда тошма, қичима кўринишида терини, конъюнктивни кўринишида кўзни, алергик ринит шаклида бурунни, бронхит астма шаклида ўпкани, гломерулонефрит шаклида буйракни, ревматизм кўринишида юракни, артрит шаклида суякларни, дискинезия шаклида ичакни ва анимия кўринишида қонни зарарлайди.

Қизил рангли меваларга алергия борлигини билдим. Энди уларни истеъмол қила олмайманми?

Диёрбек МАЛИКОВ, 20 ёш талаба.

— Олимларнинг олиб борган излашлари натижасига кўра, қизил рангли мева ва сабзавотларда ликопин ва антоцианин моддалари мавжуд. Шунингдек, улар кучли алергия кўзгатувчи (гистаминолибератор)лар сақлаши туфайли алергик хасталикларда тавсия этилмайди. Қизил мева ва сабзавотлар ўзидан сунъий ранг чиқариш хусусиятига эга. Бундай маҳсулотлар қаторига помидор, цитрус мевалар, қулупнай, малина, олча, смородина ҳамда улардан тайёрланган шарбат ва мурабболарни киритиш мумкин. Алергияга мойиллиги бор кишилар касаллик безовта қилганда ва баҳор ойларида буларни истеъмол қилмаслиги тавсия этилади. Қизил олманнинг пўстини арчиб истеъмол қилса бўлади.

Алергиянинг мавсумий ёки доимийлигига қараб, қатъий парҳеда бўлган беморлар хуруж вақти ўтгандан сўнг аста-секинлик билан оз-оздан қизил маҳсулотларни кам миқдорда истеъмол қилиши мумкин.

Чарос ДЎСТАТОВА тайёрлади.

SIZ NEGA BEZOV'TASIZ?

yoхud odamlar nima derkin?

Бирор ишни қилмоқчи бўлсак, аввало "одамлар нима деркин?" деган савол ҳаёлимиздан ўтади. Виждон ҳукми билан одамлар фикрини чалкаштириб юбораётганимизни эса гоҳида сезамиз, гоҳида сезмаймиз. Деярли ҳар битта инсонга хос бундай ички маҳкумлиқ. Фақат қайси биримизда ошқора бўлса, қайси биримизда пинҳона. Энг ёмони – бундай маҳкумлиқдан холи одамлардан жамият хавфсирайди, ётсирайди, баъзида тентака чиқаради. Албатта, бу нарса жаҳон адиблари ва файласуфлари томонидан неча минг йиллардан бери ўрганилиб келинаётган умум-башарий ҳодисадир. Жумладан, ўзбек адабиётининг атоқли адибларидан бири Луқмон Бўрихон ҳам "Қўноқ" номли ҳикоясида ўз бадий тафаккури орқали айнан шу муаммага муносабат билдирган, таъбир жоиз бўлса, инсон ва унинг характериға оид янги бир гап айта олган.

"Қор одами"

Аввало, ҳикоя воқеаларини ёдингизга солиб ўтсам. Уқиган одам эсласа, ҳикоя "Уни кўрдиму, юрагим орқага тортиб кетди" деган жумла-лар билан бошланади. Ровий вагон танбурида биринчи учратишдаёқ ҳикоя қаҳрамонидан чўчийди. Қаҳрамоннинг ўзини туттиши, бутун хатти-ҳаракатлари аллақандай шубҳали, аллақандай ғайритабиий бўлиб туюлади. Кейинчалик уни ўз купедошлари ёнига бошлаб борганида, купедаги бошқа инсонларда ҳам кузатилади бундай руҳий кечинмалар. Яъни қўноқ купедаги барча йўловчилар учун "Қор одами" каби қизиқарли ва ноёб бир мавжудотга айланган бир пайтда, негадир у атрофидагилари учун безовталик ҳам олиб келади. Бу ерда, шубҳасиз, гап унинг уч кун олдин қамқондан чиққанида эмас. (Агар у уч кунмас, ҳозиргина қамқондан чиққан тақдирда ҳам бошқа барча инсонлар каби жўн бир одам бўлганида, кишилар олдида қўлини қовуштириб одатий бир кўринишда ҳозир бўлганда, балки купедошларни бу қадар чўчкитмаган бўларди. Аксинча, унда купедошлар Қўногимизни ўз давраларига бажонидил қўшган, у билан ҳасратлашиб, кифтига қоқиб далда берган бўлишлари мумкинлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас.) Ҳамма бало шунда эдики, у барча қатори одам бўлмай – курмагурнинг маънавий қарашлари жамиятнинг умум тушунчага айланиб кетган номумкамал қондаларини четлаб ўтган, руҳи эса озод қуш мисоли эркин бир кимса эди. Бундай ички озодликни тасаввур эта олмайдиган маънан қашшоқ одамлар учун энди унинг хавотир, ётсираш олиб келиши, ўз ўзига хослиги билан ўтакаларини ёриши, албатта, жуда табиий.

Муаллиф асар қаҳрамонини қамқондан чиқиб келаётган киши сифатида тасвирлашида ҳам, назаримда зўр бир мантикий ишора бор. Ҳар ҳолда бу менга сўфийлар руҳий тасаввурга эришиш учун узлатга чекинганини, умуман ҳар қандай инсон ўз руҳини қутқариш учун унга ёлғизлик ло-



зим бўлишини эслагди. Мен минбаъд муаллиф бу билан айнан илоҳиёт йўлини назарда тутиб фалсафа сўқишни мақсад қилган, демоқчи эмасман. Айтмоқчи бўлганим, бу шунчаки муаллифнинг бошқа асарларида ҳам учраб турадиган одатий заҳархандаси, инсон руҳ эркинлиги кимлар томонидан бўғилишига, инсоннинг маънавий олами аслида кимлар хароб этишига қилган киноявий ишораси эди, холос. Ахир муаллиф адабий усуллар орқали бош қаҳрамоннинг қамқондан ўтган ҳаёти ҳақида билдирар экан, унинг деворга оҳақтош ёрдамида олпоқ осмон парчасини чизганини, йилларни шу оқликка – осмон парчасига талпиниб ўтказганини айтиб ўтади. Бу гап билан гўёки шу оқлик, осмоннинг шу бир бўлаги аслида қаҳрамоннинг қалбида мавжуд бўлганига имо-ишоралар қилади. Ҳолбуки, қаҳрамон шу девор мисолида дунёни оқликдан, покликдан иборат деб билган, мусаффо қалби билан бунга қаттиқ ишонгани учун турмадан озодликка чиқиб шу оқликка сингиб кетишни жуда-жуда кутган эди. Унинг одамлар билан муомаласи бир мунча чекланган бўлгани боис ўзидаги поклиги-озодлиқнинг камёб

ҳодиса саналишини, бундайн оқлик ва кенглик фақатгина ўзининг тоза тасавурида бор эканини... бечора ҳали билмасди! Бунинг тасдиғи сифатида ҳикояда келтирилган мана бу жумлаларга эътиборингизни тортмоқчиман: «*Шу оқликка термулсам ўзимни кўм-кўк осмонда, олпоқ булутларнинг орасида озод учиб юргандай ҳис қиламан. Термулганим сайин шу оқликка сингиб кетаётгандай бўлавераман. Эҳ, нимасини айтмай, ўша деворларнинг оққа бўялган бир қўлчча жойи мени уч йил омон сақлади, уч йил!...*» Энди эса фикрнинг давоми сифатида айтилган қуйидаги жумлаларга ҳам диққат қилинг: «*Эҳ! – деди жабрдийда ниҳоят менга ўйрилиб. – Бекорчи нарсаларни гапириб ўтиришимни қаранг. Бунинг ҳаммаси бемаънлиқ, ўз-ўзини алдаш. Худога шукур, энди ҳаммаси орқада, ҳаммаси ўтди. Мен энди озодман! Мен энди озод! Менга энди ҳеч бир оқлик – поклик керак эмас! Мен энди одамлар орасидаман! Ҳа-ҳа-ҳа...*»

Жон, Бек, Қул... Мен, Сиз, У дегандай...

Шу ўринда эътироф этишни лозим кўраётганим – ўз асарларини таҳайюлида яралган мустаҳкам проект асосида ёз-диган муаллиф ҳикоя қаҳрамонларининг номланishi борасида ҳам ажойибу-ғаройиб киноявий галерея яратган. Эслатишим лозим бўлса: купедаги йўловчиларнинг бирининг номи Жон, иккинчисиники Бек, учинчисиники Бой,

тўртинчисиники эса Қул эди. Буни қандай тушунмоқ мумкин? Шахсан мен шундай тушундим: бизга маълумки жамиятнинг эркатойлари – "Жон"лари бўлади; яна ҳукмфармолари – "Бек"лари, тантилари ҳисобланган – "Бой"лари ёки "Қул"лари ҳам орамизда бор, албатта. Улар узоқда эмас – ҳаётимизда; шундоқгина қаршимизда ва ё... ўз сийратимизда яшаб юрибди. Фикримча, муаллиф ҳам бу рамзий ифодалар ёрдамида бутун жамиятни, бани инсониятни ўз асарига қамраб олишни истаяпти. Ахир минг афсуслар бўлсин, орамиздаги ўша Жонлар, Беклар, Бойлар... нинг ҳаммаси ҳам асарда очиб берилгани каби қайсидир маънода маҳкум, қайсидир маънода жамият ўзи ўйлаб топган ижтимоий қонунларнинг қулдир!

Хулоса ўрнида

Одатда, бирор дуруст инсон ҳақида гапирганда "ҳақиқий инсон" дея таъкидлайдилар. Бундай инсонни учратганда бениҳоя севинадилар. Мен эса... Мен ўйлаб қоламан. Хаффа бўламан ҳамда ташвишга тушаман. Ахир нима – инсон бирор буюм, матоҳ... дейлик, пулми сохта ё ҳақиқийси бўлса?! Теранроқ назар ташласак, асли биргина шу "ҳақиқий инсон" деган иборанинг ўзиёқ инсоният ўз табиатидан қанчалик узоқлашиб кетганини, ўз ғайри тасаввурининг аллақайси пучмоқларида адашиб юрганини кўрсатиб турибди. Ана энди нима бўлади? У учун асл инсоний ҳислатлар, туйғу ва кечинмалар шубҳали-ваҳимали бир нарса бўлиб туюлаверади, гўёки "Қўноқ" ҳикоясида тасвирлангани каби...

Тўғри, мен юқорида мухтасаргина сўз юритганим – Луқмон Бўрихоннинг "Қўноқ" ҳикоясидан ҳикматли сўзлар кўчириб бўлмайди. У ўз ўқувчисини ақлига зўр беришга, таъбир жоиз эса кросворд ечишга минг уриниб мажбур қила олмайди. Аммо унда қалбимизни жунбушга келтириши, кўнгли қатимизнинг гижимлибди эсимиздан қатиб кетган айрим бурчакларини ёзиб юбориши мумкин бўлган шундай эскирмас ҳаёт ҳақиқатлари Беркинни ёттибдики, бунга сиз ҳикояни синчиқлаб ўқиб қўрибгина тушунишингиз мумкин.

Дарвоқе, у қадар аҳамиятли бўлганда бир гап эсимдан чиқай дебди. Мабода ҳикояни олдин ўқимаган бўлсангизу, энди ўқиб кўрмоқчи бўлсангиз... ўқиб бўлгач худди менга ўхшаб "МЕН НЕГА БЕЗОВТАМАН ёки НИМАДАН БЕЗОВТАМАН?" деган саволни ўз-ўзингизга албатта беринг. Ишонинг, шунда сиз асарнинг мен айтишга улгурмаган ўта муҳим яна бир жиҳатини кашф этасиз.

Байрам АЛИ.

ЭЪЛОН

Республика реабилитация ва мослаштириш маркази Тошкент шаҳар худудий бўлинмасининг 2019 йил 8 февралда Тошкент шаҳар Адлия бошқармасидан 820-сонли рақам билан рўйхатдан ўтган низоми йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

"Оила ва жамият" газетаси ходими Дилшод Рустамова қайнотаси Асадулла Бобоевнинг вафоти муносабати билан тахририят жамоаси ҳамдардлик билдирди.

Oila va jamiyat
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси,
"Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва
"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир в.б.: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1036. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 2096. Ваҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Ч. Дўстматова
Мусахҳих: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5